БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 57 (2605) | Шанба, 21 март 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг механизаторлари дон экишни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Хўжалик ғаллакорларининг бу йилги аҳди дон ҳосилдорлигини ўтган йилдагига нисбатан 4 центнерга оширишдан иборат. Ўнгдаги суратда: дон экиш пайти. Чапдаги суратда: колхоз бош агрономи Қ. Мирзақулов ва механизатор Павел Нам ўртоқлар экиладиган доннинг сифатини текшириб кўришмоқда.

Қ. Розиқов фотолари,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

МЕҲНАТКАШ ҲАҚИДА СЎЗ

Н. ЗАГЛАДА,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

□ □ □

Бизнинг Коммунистик партиямиз, унинг Марказий Комитети янги кишини, коммунизм қурувчисини тарбиялаш вазифасини қўйдилар. Бу сизнинг —бу ерда ўтирган олимларнинг ҳам энг асосий вазифасидир.

Мен мактаб кўрмаганман, рус тилида ёмон гапираман, украинман. Қийин шароитда ўсиб-улғайганман, шунинг учун ҳам сиздардай бўла олмаганман.

Қадрли ўғил-қизларим! Сизларни шундай деб аташимга сабаб шуки, мен аллақачон чевара ҳам кўрганман. Мени, оддий колхозчи аёлни бу ерга чақириб, ўз меҳнат тажрибаларим билан ўртоқлашишни таклиф этганларинг учун ғоят бахтиёрман ва миннатдорман. **(Қарсаклар).**

Сизлардан Никита Сергеевич Хрушчевнинг янги кишини тарбиялаш тўғрисида айтган гапларига жиддий эътибор беришингларни илтимос қиламан. Тарбия —энг муҳим ва энг қийин нарса. Агар одам ўзи тарбияланган бўлса ва ўғли ёки қизини қандай тарбиялаш зарурлигини тушунса соз бўлади. Биринчи галда ўзинг тўғрингда ўзинг ўйлаб кўр: сен ўз муҳитингда, ўз оилангда ўзингни қандай тутаяпсан, хотининг билан қандай муомалада бўлаяпсан ёки хотининг сен билан қандай муомалада бўлаяпти. Бу болаларга тез таъсир этади. Улар уйда қандай тарбияланишган бўлса, жамоатчиликда ҳам, мактабда ҳам, институтда ҳам ва умуман ҳамма ерда ҳам ўзларини шундай тутишади.

Сизлар пропагандистларсиз. Ўз пропагандангизни коммунистчасига олиб боришингиз, фермаларда, далаларда, звеноларда нималар қилинаётганлигини олдиндан билиш учун колхоз ёки совхозга жўнаб кетишингиздан бурун пухта тайёргарлик кўришингиз зарур. Шундай тайёрланишингиз лозимки, кейин сиз колхозчи ишидаги камчиликларни тузатиш йўлларини кўрсатишнинг уддасидан чиқа олинг. Сиз жўнаб кетганингиздан кейин, кишилар орқангиздан «у ҳеч балони билмас экан» деб гапсўз қилишмасин.

Сиз звено бошлигидан, бригадирдан, колхоз раисидан кўкламга қандай тайёрланишганини сўранг. Агар улар, ҳаммаси тахт: ўғир ташилган, техника бор, уруғликлар бор, дейишса, бу —ҳаммаси тахт экан, деган гап эмас. Сиз бу гапларга қулоқ солинг, лекин текшириб ҳам кўринг. Ахир ғап бошқа-ю, иш бошқа бўладиган ҳоллар ҳам учраб туради-да.

Гоҳо колхоз раиси ёки бригадир далага гўнг ташиб чиқарилган, дейди ва пропагандистнинг кўнгли жойига тушади. Гўнг қандай сақланаяпти? Бу билан у қизиқмайди, гўё бу унга таллуқли ҳам эмас. Йўқ, ҳамма нарса тааллуқли бўлсин: қарагин, гўнг қанақа жойда ётибди, таркибида нима сақланган, унда азот қолганми.

Кўз олдингизга келтиринг-а, менинг колхозимда пропагандист ҳамма нарсани синчиклаб текширди. Ишонавераверинг, агар бошқа бир колхозда ишлар жойида бўлмаса-ю, у ердагилар ана шу пропагандистнинг боraётганлигини билиб қолишса, зудлик билан ўз ишларини тартибга солиб қўядилар. Ҳа, ишларини тартибга соладилар, йўқса чакки бўлади. **(Қарсаклар).**

Қайтариб айтаманки, пропагандист ҳамма нарсани яхши биладиган бўлиб тайёрланиши зарур.

Масалан, уруғлик донни тайёрлашни олиб кўрайлик. Бу ҳам муҳим иш. У қайси классга мансуб эди-ю, қайси классга етказилди? Буни ҳужжатлар бўйича текшириб кўришни билиш керак. Эҳтимол, агрономга: «Юр, бориб уруғликни бир кўрайлик, улар биринчи классга мансубми, иккинчисигами?» дейишга тўғри келар. Агар ишга шундай ёндошсанг, қишлоқ хўжалигини чинакамига тушунишинг аён бўлади.

Бундан ташқари минерал ўғитлар қандай сақланаётганлигини ҳам текшириб кўриш керак. Агар улар очиқ ҳавода сақланса, сифати бузилади. Мана, ўртоқлар, колхозларга шунақа ёрдам бериш керак. Ахир шундай ҳоллар ҳам бўлади-да —бир одам колхозга кечқурун келади, наридан-бери лекциясини ўқийди-ю, кейин сўрайди: «машина-пашина борми? Мени уйимга элтиб қўйинглар»

Кишилар қаҳрида яна бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Ҳозир одамларимиз яхши. Колхоздагиларнинг ҳаммаси маълумотли. Ҳар бири 10-синфни тугаллашга ошиқаяпти. Илгари болаларга: «7-синфни тамомлаш керак» дейишардик. Энди еттинчи синф тўғрисида гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўнинчи синфни тамомла, ундан кейин сени ўз ҳолингга қўямиз. Ўз вақтида ўқимадингми — кечки мактабга бор, лекин ўқишни албатта битир!

Энди, ёшларимиз ҳақида. Бизнинг ёшларимиз яхши, шавкатли ёшлар! Орамизда шундай одамлар ҳам топилдики, улар ёшлардан нолишади. Бу тўғри эмас. Сиз бир қаранг-а, далаларда ким ишлаяпти? Ёшлар. Механизаторлар ким? Ёшлар. Фермаларда ким ишлаяпти? Ёшлар. Шаҳарни олиб кўринг —иморатлар бирин-кетин қад кўтараяпти. Қурилишларда ким ишлаяпти? Ёшлар. Заводларда, фабрикаларда ким ишлаяпти? Ёшлар! Бу шавкатли ёшларни биз тарбиялаяпмиз, бизнинг партиямиз, бизнинг Никита Сергеевич Хрушчевимиз тарбиялаяпти.

Ўз областим тўғрисида гапиришим ҳам керак. Мен ишладим, кўпни кўрдим. Лекин бизнинг областимиз ҳозиргидай ютуқларга қачонлардир эришганини сира эслай олмайман. Бизнинг областимиз —Полесье. Бу ерда иссиқ кам бўлади, тупроғи оғир. Шундай бўлса ҳам биз ўтган йили давлатга кўп ғалла, лавлаги етказиб бердик ва картошка планини ортиғи билан бажардик. Бунга халқ билан чакки ишламаётганлигимиз, ерни яхши ишлаётганлигимиз, яхши ўғитлаётганлигимиз туфайли эришдик. Биз ҳали керагича минерал ўғитларга эга эмасмиз. Шунинг учун уларни комбинациялаштиришга, органик ўғитлар билан қўшиб ишлатишга тўғри келаяпти.

Пропаганда ва агитация бизга ёрдам бераётир. Бу ерда бизнинг областимиздан ўртоқ Дмитриев ўтиribди. У мени шундай қийнайдики, асти қўяверасиз. **(Кулги).** У менга йўлланма беради-да: «Жўнанг» дейди. Шунда мен агитация қилишга кетаётганлигим билан фахрланаман! **(Қарсаклар).**

Қарсакларингиз учун сизларга чин кўнгилдан раҳмат айтаман!

Мен кўпчилик колхозчилар билан, ҳатто олимлар билан учрашиб тураман. Мен олимларимизнинг меҳнатини жуда-жуда қадрлайман. Бу —енгил меҳнат эмас, оғир меҳнат. Аммо шуни айтмоқчиманки, уларни тинч қўйиш керак эмас, майли, бундан ҳам кўпроқ ишлашсин, ўз тажрибаларини ёшларга ҳадя этишсин, тез-тез жойларга чиқиб туришсин ва телефонлар олдида камроқ ўтиришсин. **(Кулги. Қарсаклар).**

Менга ишонаверинг, шундай қилинса ўз меҳнатингиз меваси ўзингизни янада қувонтиради. Шундагина кишилар, хусусан ёшлар сизлардан кўп нарсани ўрганишади.

Қадрли ўртоқлар! Партиямизнинг XXII съездини сира унута олмайман. Унда мен ҳам қатнашган эдим. Съездга 80 мамлакатнинг вакиллари келишган эди. Улар бизнинг партиямиз ҳақида, коммунизм қураётган халқимиз ҳақида эҳтиёж ҳис-ҳаяжон билан гапирдилар. Улар, сизларнинг изингиздан борамиз ва ўз диёримизда социализм қурамиз, деб бизларни ишонтиришди. Бизнинг ўртоқларимиз эса минбарга чиқиб, партиямиз XXII съезди белгилаб берган буюк Программани муддатидан анча илгари бажарамиз, деб ишонтиришди.

Ҳозир мен ўша ажойиб кунларни қувонч ва ҳис-ҳаяжонларсиз ололмайман. Демоқчиманки, коммунизмни ҳаммамиз —ёшлар ҳам, қариялар ҳам, пионерлар ҳам, пенсионерлар ҳам —енг шимариб қуришимиз керак **(Қарсаклар).**

Биз —чолу-кампирлар, пенсионерлар коммунизмни тезроқ қуришда неваларимизга кўмаклашишимиз лозим. Биз чоризм даврида бошимиздан оғир кулфатларни кечирдик. Коммунизм даврида эса ўз неваларимиз билан, ёшлар билан ёндош бўламиз. **(Қарсаклар).**

Кунларнинг бирида мен ғаллакорнинг шон-шуҳрати ва виждон ҳақида ёзган мақолам билан газетада қатнашдим. Менинг мақолам менинг ўйларим кимни ҳаяжонлантирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан беҳад миннатдорман. Бирор республика йўқки, унинг вакили уйимга келмаган бўлсин. Кишилар ҳаяжонланишади, келишади, кўришади, сўрашади ва нималардир қилишади. Бу —яхши. Хатлар келади. Кунига юзлаб хат оламан. уларни ўқиб чиқишга улгиролмайман ҳам Тошкенд болаларим ёрдамлашишади. Менга Чехословакиядан ва бошқа қардош мамлакатлардан, Америкадан, Англиядан хатлар келиб туради.

Мен кўпчилик колхозларни, областларни кезиб чиқдим. Бизнинг областимизда, Винница, Полтава, Черкасск областларида загладачи звенолар бор. Бу ҳақда гапириш менинг учун ноқулай албатта. Загладачиларга айтаманки, мени ҳеч ким ҳеч қачон пенсияга узата олмайди. Чунки мен меҳнат билан яшайман, меҳнат билан бахтиёрман. Мен ҳали нормаларни бажараяпман. бажарганда ҳам ортиғи билан бажараяпман. Фақат оғиз билан иш битирмасдан, звеном аъзолари каби норма кетидан қуваяпман. **(Қарсаклар).**

Звеномиз аъзоларининг ярми — ўрта маълумотли ёшлар. Лекин мен уларга бўш келмаяпман. Албатта, улар олдинда бўлишга интилишаяпти. Мен уларга шундай дейман: «Йўқ. мен қарияни йўлда қолдиролмайсизлар, мен ўзимни ёш деб биламан ва сизлардан ортда қолмайман».

Қадрли дўстлар! Энди, звеномиз ҳақида икки шингил гапириб бермоқчиман. Звеномиз комплекслашган. Кўтараётган ҳосилимиз чакки эмас — ҳар гектар ердан 20 центнердан жавдар, 32 центнердан буғдой, 29 центнердан ариқ, 500 центнердан ошириб лавлаги олияпмиз. Никита Сергеевич Хрушчев Полесьеда маккажўхори ўсадими, йўқми. у ерда ғалла етиштириш мумкинми, шуни текшириб кўришни бизга топширди. Биз фақат силос учун маккажўхори ўстирмаяпмиз, гектаридан 100 центнердан ошириб маккажўхори дони ҳам олияпмиз.

Менинг звеном зиғир бўйича жаҳон рекорди қўйган. Биз кўп йиллардан бери зиғир экамиз, бу соҳада ҳали олдимизга тушадигани йўқ. **(Қарсаклар).** Хўш, бу қанақа жаҳон рекорди? Мен пахта етиштириш нақадар мушкул иш эканлигини биламан. Ўзбекистонда уч йил яшаб, бригадир бўлиб ишлаганман. Чигитни қандай қилиб экишлари, ғўзани қандай парвариш қилишлари, пахтани қандай теришларини биламан. Ғўза жуда кўп меҳнат талаб этади. Лекин зиғир унга нисбатан бир неча марта кўп меҳнат талаб этади. Хўш, унинг уддасидан чиқаяпмизми? Давлат гектар бошига 3 центнердан уруғ ва 4 центнердан тола олиш юзасидан план беради. Биз эса 18 центнердан уруғ ва 19 центнердан тола олияпмиз. Мана шунинг учун партиямиз менинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади. **(Қарсаклар).** Лекин биз бу билан чегараланиб қолмадик. Звеномиз фан билан чамбарчас алоқа боғланган. Агроном — бизнинг ўнг қўлимиз. Агроном — назария, агроном — практика. Биз у билан бирга ишлаймиз, ўйимиз ҳам, мақсадимиз ҳам бир. Ютуқларимизнинг боиси ана шунда.

Зиғир экинининг хусусиятини ўрганишда, гектар бошига 33 центнердан зиғир толаси ва 17 центнердан зиғир уруғи олишда бизга агрономлар ёрдам беришди. Бу —жаҳон рекорди эди. Унга ҳеч кимнинг ишонгиси келмади. Ўша пайтда Бельгия жаҳон рекорди қўйган эди. Қишлоқ хўжалиги виставкасига Бельгиянинг вакиллари келишди. Ажабланишди: «Биринчиликни қандай қилиб эгаллашдийкин-а?». Ўртоқларимиз уларга шундай жавоб беришди: «Ҳосилни етиштирган кишиларнинг ўзлари гапириб беришсин».

Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз? Бельгиядан келган жаноб билан учрашиш учун мени Кремлга олиб келишди. Мен унинг ҳамма саволларига жавоб бердим, ўз агротехникамиз ҳақида ҳикоя қилдим. У жимгина эшитиб ўтиrдида, кейин тўсатдан шундай деб қолди: «Барибир сизларга ишонмайман». Мен унга жавобан: «Сиз бизнинг ҳузуримизга боринг, меҳмон бўласиз, ҳаммасига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Фақат борсангиз бўлгани». У кўнмади.

Ундай бўлса кўришгунча хайр, дедим мен, гап тамом.

Уйимга кетаётиб, йўл-йўлакай ўйладим: «Бу жўнгина иш эмас экан. Жаҳон рекорди! Бу ниманидир англатар экан» **(Кулги).** Уйимга қайтиб боргач, ўртоқлар, партия ташкилотига, агрономларга, колхозчиларга ҳаммасини гапириб бердим. Меҳнаткашларимиз менга шундай дейишди: «Ҳеч киси йўқ, Надежда Григорьевна, биз зиғир экдикми, уни ўстирамиз, қайтадан рекорд қўйиш учун нимани керак бўлса, ҳаммасини қиламиз».

Кўплашиб ўйладик: бир ёзда икки марта ҳосил олиш учун нима қилиш керак экан-а. Икки марта ҳосил олдик ҳам. Ҳар гектар ердан 41 центнердан тола ва 17 центнердан уруғ олдик. **(Қарсаклар).** Бугунги кунда биз биринчиликни эгаллаб турибмиз ва бундан буён ҳам эгаллаб турамиз.

Қанча меҳнатимиз кетди-я, бунга! Тунларни бедор ўтказишга, жон куйдиришга тўғри келди! Кечаси беш даражали совуқ бўлади, деб тўсатдан хабар қилиб қолишади. Ахир зиғирни совуқ уриб кетиши мумкин-да. Кечаю-кундуз ишладик ва зиғирни совуқдан сақлаш учун пайкални гутун пардасига буркадик. Биз ишлаётган тунларда бамайлихотир ухлаб ётган деҳқонлар эса панд ейишди.

Ҳаммасига чидаса бўлади. Уйқуни ҳам, овқатни ҳам канда қилса бўлади. Лекин одам ўз олдига бир нарсани мақсад қилиб қўйдими, сира орқага чекинмасдан, унга эришиши лозим! **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Агар кишининг орзуси бўлса· агар у Ватан олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчини билса, (бу эса энг муҳим нарса, ҳаётда бундан ҳам қимматлироқ нарса Йўқ) у мақсадига эришади. Олимларимизни олиб кўринг. Ахир уларнинг боши тилла-қу. Уларни мақташга сўз тополмайсан киши. Ахир улар ҳатто коинотга учишимизга имкон берадиган ракета яратишди да. **(Қарсаклар).** Улар қишлоқ хўжалигига қанчадан-қанча яхши техника ҳадя этишганини айтмайсизми! Бизнинг колхозимизга бир боринг-а, бунга амин бўла оласиз.

Биз техникага ўз меҳнатимизни қўшаяпмиз. Биз «шарбат»—нажасдан ҳам ҳазар қилмадик. Уни 12 километр наридаги шаҳардан ташдик. Энг муҳими—ҳосил олиш, уни мамлакатга тортиқ қилиш. Менинг юрагим мана шуни деб тепади.

Мен 1932 йилдан бери беваман. Олдимда ўз фарзандларимни тўғри тарбиялаш вазифаси турарди. Менинг тўрт ўғлим ва икки қизим бор эди. Ҳаммасини коммунистчасига тарбияладим. Уч ўғлим фронтда қурбон бўлди. Бири армияда ўн етти йил хизмат қилди. қўмондонлик унга чуқур миннатдорчиликлар билдирган. Ҳозир у ўқитувчи бўлиб ишлайди. Қизим — медик.

Ўз фарзандларимдан ташқари йигирма олтита етимесирни ҳам тарбиялаганман. Мана энди, улар ишлаётган жойлардан миннатдорчиликлар келиб турибди. **(Қарсаклар).**

Етимни тарбиялаш — жуда мушкул иш. Агар уларни чинакамига тарбияламаганимда эди, нобуд бўлишлари, қамоққа тушишлари ёмон йўлга кириб кетишлари мумкин эди. Ҳозир эса менга шундай деб ёзишади: «Севимли онажон! Берган тарбиянгиз учун Сиздан миннатдормиз...»

Мен қаётда қоқилган кишилардан ҳам кўплаб хатлар олиб тураман. Бир йигит мана бундай деб ёзган эди: «Менинг отам ҳам, онам ҳам бор, лекин улардан рози эмасман — улар мени нотўғри тарбиялашди. Ҳозир мен қамоқхонада ётибман. Агар ота-онам мени худди сиз ўз болаларингизни қандай тарбиялаган бўлсангиз, шундай тарбиялашганида эди, ҳозир бу ерда ётмас эдим».

Бундай хатлар юракка бориб етади.

Болани аяш керак, лекин шундай аяш керакки, буни унинг ўзи сезмасин. Уни меҳнатга ўргатиш, унда онасига, отасига, ўртоқларига нисбатан, ягона оилага нисбатан севги ҳиссиётларини уйғотадиган қилиб тарбиялаш керак.

Янги кишини тарбиялаш вазифаси ана шундан иборат. Ҳаётда кўрган-билганларимни ўз тажрибамни сизлар билан баҳам кўришни истайман.

Қийинчиликлардан чўчиш керак эмас, фидокорона меҳнат билан шу қийинчиликларга қарши курашиш керак. Ана ўшанда сиз баракали хирмон кўтарасиз, мени ёдга оласиз. «ҳа, тўғри айтган экан» дейсиз.

Қадрли ўртоқлар! Гапимнинг пировардида сизларга катта раҳмат айтишга ва худди диёримиз каби ютуқларга эга бўлишда муваффақиятлар тилашга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

(«ИЗВЕСТИЯ» газетасидан).

* **Бутуниттифоқ «Билим» жамияти Правлениесининг VIII пленумида 1964 йил 13 мартда сўзланган нутқ.**

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН БОРАМИЗ

Никита Сергеевич Хрушчевнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбар ходимлари кенгашида қилган доклади Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасида эўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов колхоз пахтакорлари билан қилган ўз суҳбатида бундай деди:

— Новаторлар тажрибасини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг илғор технологиясини ишлаб чиқаришга актив суратда жорий қилиш бутун ташкилотчилик ишимизнинг марказида туриши керак, деб Никита Сергеевич жуда тўғри айтди. Бу— қишлоқ хўжалигини интенсивлаш учун, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашда энг муҳим омилдир. Пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини қисқа вақт ичида ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун қандай катта имкониятлар борлигини колхозимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз интенсивлаш йўлидан борамиз!

Биз бу йил пахтачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилиб, минерал ўғитлар ва илғор агрономия усулларини қўлланиб, ҳар бир колхозчи ҳисобига камида юз центнердан пахта етиштириш, бир центнер пахтанинг таннархини эса, 15 сўмгача тушириш режаларини белгиладик. Пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнерга етказиб ҳосил оламиз.

Ана шу юксак марраларни албатта эгалламоқ учун ҳозир биз қандай ишларни амалга оширмоқдамиз? Бригада ва звено бошлиқлари минерал ўғитлардан фойдаланишнинг прогрессив методини ўрганиб олишди, 50 звенонинг ҳаммаси комплекс механизациялашган звено бўлиб қолди. Бу звенолардан ўнтасини тюпкочилар ташнил қилдилар.

12 минг тоннадан зиёд компост ва маҳаллий ўғитлар тайёрланди. 500 гектар заранг ерга 20 тоннадан гўнг, ҳар гектар пахтазорга ўрта ҳисобда 10 тоннадан гўнг соламиз, Ундан ташқари, ҳар гектар ерга бир ярим тоннадан органик-минерал аралашма тайёрламоқдамиз. Хўжалик ичидаги ирригация шохобчаларини тозалаш тугалланди, техника тайёр ҳолга келтириб қўйилди. Чорвадорларимиз давлатга ғўшт сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллигигача, эса топшириқдан ташқари яна 450 центнер ғўшт берадилар. (ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИ ЭКИЛАЯПТИ

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхозининг ўртоқ Серикбой Усмонов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари маккажўхори экишни бошлаб юбордилар. Ишга бунчалик эрта киришиш — ўз вақтида кўрилган пухта тайёргарликнинг ёрқин самарасидир.

Маккажўхорикор ёшлар мавжуд 80 гектар ерга уруғ экишни қисқа муддатда тугаллаш учун кун сайини ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Уларнинг бу йилги аҳди — ҳар гектар ердан камида 500 центнердан силосбоп кўкпоя ва 30 центнердан маккажўхори дони етиштириш.

Шунингдек, бригадада 22 гектар майдонга нўхат экилди. Бу майдонларнинг ярмидан кўпроғида нўхат бир текис униб чиқди. Ҳозир бригада аъзолари бу қимматли экинни парвариш қилишга киришиб кетдилар.

Й. ЎРИНБОЕВ.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН САФАРИГА ДОИР

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдул Носирнинг илгари қилган таклифига мувофиқ, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шу йил май ойида Бирлашган Араб Республикасига боради.

Бирлашган Араб Республикасининг президенти ва Совет ҳукуматининг бошлиғи бир-бирларига хат ёзишлари натижасида визит вақтини белгилаб олдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси ўз мактубида баланд Асвон тўғонининг биринчи навбати қурилиб бўлганлигига ва Нил дарёсига тўғон солинганлигига бағишланиб ўтказиладиган тантаналарда Миср халқи билан биргаликда қатнашиш имконияти берилганлигидан ўзининг мамнун бўлганлигини изҳор қилди. Ўз навбатида Бирлашган Араб Республикасининг президенти тарихий маросимда Н. С. Хрушчев қатнашиб, араб миллати халқларидан бири билан учрашуви менга ва Бирлашган Араб Республикасига зўр ҳузур бағишлайди, араб халқи араб-совет дўстлиги билан фахрланади ва бу дўстликни халқаро муносабатлардаги конструктив ўрнак деб ҳисоблайди, деб таъкидлади.

«ЯМАН ХАЛҚИ СОВЕТ ДЎСТЛАРИГА АБАДИЙ СОДИҚ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

19 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Яман Араб Республикасининг президенти маршал Абдулла Ассалол шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда дўст мамлакат бошлиғи билан бирга Яман Араб Республикаси Маслаҳат кенгашининг раиси Абдурраҳмон Яхъё Аларёний, Яман Араб Республикаси Сиёсий бюросининг аъзоси Абдул Қови Хамим, Яман Араб Республикасининг ташқи ишлар министри Ҳасан Макки, президентлик ишлари министри Муҳаммад Алқайд Сайф ҳамда Яман Араб Республикасининг бошқа давлат арбоблари, таниқли саркардалар, қабиларларнинг шайҳлари, Яман матбуотининг вакиллари ва бошқа меҳмонлар ҳозир бўлишди. Зиёфатда Яман Араб Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Солиҳ Али Алашвол ҳам ҳозир бўлди.

Зиёфатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Р. Н. Нишонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Олий Советининг Раиси О. С. Содиқов, Туркистон Ҳарбий Округи штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант П. И. Зализюк, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Саҳибоев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асомов, республика министрлари, Ўрта Осиё муассасаларининг ва Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, журналистлар бор эди.

Зиёфатда СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Ямандаги элчиси Н. П. Сулицкий, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Корнев ҳозир бўлдилар.

Ғоят самимият ва дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида нутқлар сўзланди.

Ё. С. Насриддинова ҳурматли меҳмонга ва унинг йўлдошларига мурожаат қилиб, шуни уқтириб ўтдики, барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Яман халқининг манфаатлари ва миллий истакларини чуқур тушуниб ҳурматламоқдалар. ижодий яратувчилик меҳнатидаги ўз тажрибалари, муваффақиятларини улар билан ҳамиша баҳам кўришга мамнуният билан тайёрдирлар.

Ё. С. Насриддинова қаҳрамон яман халқига сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда чин кўнгилдан янги муваффақиятлар, бахт-саодат ва равнақ тилади.

Зиёфатда Яман Араб Республикасининг президенти Абдулла Ассалол нутқ сўзлади. У, ўзи ва йўлдошлари Ўзбекистонда меҳмондўстлик билан кутиб олинганликлари учун чуқур ташаккур изҳор қилди, совет кишиларининг янги турмуш қуриш йўлига тушиб олган ёш давлат халқига дўстлик ҳислари билан қараётганликлари улуғ Ленин эълон қилган идеялар амалда рўёбга чиқарилганлигининг ёрқин далилидир, деб уқтириб ўтди.

Сизларнинг саодатли юртингизда учрашувимиз порлоқ келажакка интилаётган халқларимизнинг қизғин бирлигини ифодалаб турибди. Биз бошқа озод ва тинчликсевар халқлар билан бирга янги дунё қуриш учун ўз йўлимиздан бормоқдамиз. Турли шакллардаги мустамлакачиликни тугатиш ҳамда халқларнинг ғайратидан инсон бахт-саодати ва равнақи йўлида фойдаланиш зарурлигига бўлган ишонч бизни бирлаштирмоқда.

Империалистларнинг Яманга нисбатан тузган планларини барбод қилиб ташлаган Яман революциясининг мақсадлари ва вазифаларини Абдулла Ассалол батафсил баён қилиб айтдики, мамлакатимнинг шу революцияда тугилган ташқи сиёсати қурашаётган халқнинг тўла суверенитет, ўзаро манфаатдорлик ва ҳурматлаш асосида барча давлатлар билан яхши муносабатлар ўрнатиш, шунингдек турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш истагига асосланмоқда. Бундай сиёсат империалистларга ёқмаётир, улар мамлакатимиздаги миллий озодлик ҳаракатига зарба беришга уринмоқдалар. Бироқ, қурашаётган яман халқи ўзининг чуқур ватанпарварлик онги туфайли етарлик кучга эга эканлигини ва империалистларнинг ҳар қандай аггрессиясини даф қила олишини, уларнинг фитналарини фош қилиб ташлай олишини амалда кўрсатди. Яман халқи империалистлар ўзининг душманлари эканлигини, совет кишилари эса ўзининг дўстлари эканлигини ўз кураши давомида билиб олди. Сизлар бераётган ёрдамнинг далиллари мамлакатимизда абадий сақланиб қолади. Яман халқи ўзининг барча дўстларига ва, аввало, дўст Совет Иттифоқи халқларига ҳамиша содиқ бўлиб қолади.

Зиёфатда Яман Араб Республикасининг президенти Абдулла Ассалолга ва унинг ҳамроҳларига эсдалик совғалари тортиқ қилинди.

* * *

20 март эрталаб Яман Араб Республикасининг президенти маршал Абдулла Ассалол ва унинг ҳамроҳлари, шунингдек Яман Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Солиҳ Али Алашвол Тошкентдан Адлерга, Қора денгиз соҳилига жўнаб кетдилар. СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Яман Араб Республикасидаги элчиси Н. П. Сулицкий, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Корнев ҳурматли меҳмонлар билан бирга учиб кетишди.

Тошкент аэродромига шаҳар меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари тўпланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлари, журналистлар ҳурматли меҳмонни узатиб қўйиш учун келдилар.

Ё. С. Насриддинова меҳмонларга оқ йўл тилаб, совет халқи эрисевар яман халқининг самимий дўсти бўлиб қолади, деди. Ленин партияси томонидан пролетар интернационализми руҳида тарбияланган совет кишилари, деди у, ҳамиша ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқлар томонида.

Абдулла Ассалол аэродромда нутқ сўзлаб, Ўзбекистон бўйлаб қилган сафарим натижасида биз ва йўлдошларим совет халқини яхши билиб олдик, деди. Бу ерда, деди у, бизга кўрсатилган меҳмондўстлик ва яхши қабул қилиб олинганлигимиз тўғрисидаги хотира қалбимизда абадий сақланиб қолади. Бу сафар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантириш ишига янги ҳисса бўлиб қўшилишига ишонаман. Биз сизларни ҳеч қачон унутмаймиз, ассалому алайкум, деди Яман Араб Республикасининг президенти ўзини узатиб чиққанларга мурожаат қилиб.

Яман Араб Республикасининг президенти маршал Абдулла Ассалол Тошкентдан учиб кетганидан кейин орадан сал вақт ўтмай, у «ИЛ-18» самолётидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддиновага телеграмма юборди.

Республикангиздан жўнаб кетаётган мана шу онда, дейилади телеграммада, ўз номимдан ва Яман халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон республикасининг барча масъул кишиларига бизга кўрсатилган дўстона меҳмондўстлик учун хурсанд бўлиб ташаккур изҳор қиламан.

Сизларнинг юртингизга қилинган сафар бизда жуда яхши таассурот қолдирди. Қалбим самимий дўстлик ҳислари билан тўлиб тошди. Сизларга бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса, равнақ ва тараққиёт тилайман. (ЎзТАГ).

ФАН ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

Тошкент Давлат университетида илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини яқдиллик билан кутиб олдилар.

Суратда: профессор К. Аҳмедов (чапда) химия лабораторияси ходимлари билан суҳбатлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш тўғрисида» яқинда қабул қилган қарори мамлакатимизда фан ва техника равнақи йўлида кўрилган катта тадбирдир. Бу қарор олий ўқув юртларида ишлаб турган илмий ходимларнинг совет фани ва техникасини ривожлантиришдаги ролини конкрет белгилаб берди.

Маълумки, олий мактабларда кўп сонли юқори малакали илмий кадрлар тўпланган. Олий таълимнинг мамлакатимизда ривожланиш истиқболлари порлоқ.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги системасига кирадиган Тошкент олий ўқув юртларининг ўзида 3200 дан ортиқ илмий-педагог кадрлар ишлаб турипти. Буларнинг 70 дан ортиғи фан доктори ва профессор, 750 га яқини фан кандидати ва доцентлардир. Кейинги тўрт йил ичида фан докторлари ва профессорлар сони 25 кишига, фан кандидатлари ва доцентлар сони эса 135 кишига кўпайди.

Тошкентдаги олий ўқув юртларида ўз илмий ишлари билан бутун мамлакатга ва чет элга ҳам машҳур бўлган олимлар ишлайди. Ленин номли Тошкент давлат университети математика мактабининг эҳтимоллик назарияси ва математика статистикаси, алгебра ва рақамлар теориясига доир ишлари бутун мамлакатга кенг ёйилди. Университетнинг «Табиий қўшилмалар химияси», «Ярим ўтказгичлар», «Қуйқа жисмлар формацияси геологияси» номли проблема лабораторияларининг ишлари катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Олий ўқув юртларининг илмий ходимлари республика саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар билан ижодий алоқаларни мустаҳкамламоқдалар. Улар ишлаб чиқариш процессларини мукаммаллаштиришда, янги техникани жорий этиш ва илғор технология жараёнларини топиш, уни саноатга татбиқ қилишда завод ва фабрикаларга, қурилиш корхоналарига ёрдам бермоқдалар.

Шонли пахтакорларимиз учун пахта ҳосилдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалиги экинлари зарар. кунандаларига қарши химикатлар тайёрлашда ва янги, мукаммал қишлоқ хўжалик техникасини яратишда Олий мактабларда ишлаб турган олимларнинг ёрдами ҳам катта бўлаяпти. Тошкент Политехника институтининг олимлари бир неча йиллардан бери Олтинтопкан комбинати ва «Средазуголь» комбинати коллективлари билан ҳамкорликда ишлаб келишади.

Тошкент тўқимачилик институтининг профессор ва ўқитувчилари эса тўқимачилик машиналари махсус конструкторлик бюроси ходимлари билан биргалиқда иш унумдорлигини анча оширадиган янги машиналарни яратдилар ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг физика-математика факультети илмий ходимлари ўта паст товушлардан (ультразвук) халқ хўжалигида фойдаланиш соҳасида фойдали ишлар олиб бормоқдалар. Ўта паст товушлар тўғрисидаги илмий тадқиқотлар Тошкент лак-буёқ заводида кенг ишлатилмоқда. Бундай ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Олий ўқув юртлари илмий ходимларининг саноат корхоналари билан хўжалик шартномалари асосида бажараётган илмий ишлари ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Тошкент Давлат университети 1963 йилда хўжалик шартномалари йўли билан 250 минг сўмлик ишни амалга оширди.

Тошкент олий ўқув юртлари олимларининг илмий ишлари натижалари ҳақиқатан ҳам кишини қувонтиради. Олимлар кейинги 4 йил ичида 70 дан ортиқ илмий монографиялар, 100 га яқин дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўплаб илмий асарлар тўпламларини нашр эттиришга муваффақ бўлдилар.

Олий мактаблар илмий ходимларининг республика халқ хўжалигини ривожлантириш, маданиятни юксалтиришда тутган роли ҳам катта. Ленин, партиямиз Марказий Комитети ва СССР ҳукуматининг янги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, олий мактаблар илмий-педагог ходимларининг муҳим илмий проблемаларни ҳал қилишдек муҳим ишга кенг жалб этмоқ керак. Олий ўқув юртларининг олимлари саноат, қурилиш ва транспортда илмий-техника прогресси учун курашда, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг илмий асосларини яратишда, табиий ва ижтимоий фанлар проблемаларини ҳал этишда актив иштирок этишлари керак.

Очиғини айтиш керакки, министрликлар, бошқармалар ва турли ташкилотлар ҳузуридаги илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик бюролари олдида турган илмий-техника вазифаларини бажаришга олий мактаб олимлари нам жалб этилмоқда. Шунингдек, кўпчилик олий ўқув юртларидаги илмий-экспериментал базалар талабга тўла жавоб бермайди, улар зарур асбоб ва приборлар билан тўла таъминланмаган.

Яқин йилларга қадар олий мактаб илмий ходимларининг тадқиқотларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий ишларни нашр этиш соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйиб келинган эди. Янги қарор ана шундай камчиликларни бартараф этишнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Бу қарор олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкам асосга қўйишда катта роль ўйнайди.

Тошкентдаги олий ўқув юртларида ҳозир янги илмий-проблема лабораториялари очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш, юқори сифатли янги минерал ўғитлар, пахта зараркунандаларига қарши дорилар яратиш, химия саноатини янада такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ бўлган проблемалар устида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ф. НАСРИДДИНОВ,

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги Олий мактаблар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ КОМПАСИ

Эндиликда биз тўла асос билан шуни айта оламизки, коммунизм — Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатни электрлаштириш ҳамда халқ хўжалигини химиялаштиришдир.

(КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қароридан).

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

□ □

1.

Бу формула совет халқини коммунизм қуришнинг улуғвор программаси билан қуроллантирган партиямиз ленинча сиёсатининг мужассамлашган ифодасидир. КПСС ўзининг бутун фаолиятини илмий асосда қурмоқда. Партиямиз янги дунёни барпо этишда қудратли революцион куч сифатида иш кўриб, ҳозирги замон шароитида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига ғоят катта аҳамият бермоқда. Бу — партия ва халқнинг асосий иқтисодий вазифасидир. КПСС ўзининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларини ана шу вазифани ҳал қилишга бўйсундирмоқда.

Экономика Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатининг энг муҳим элементини ташкил этади. Социализмнинг капитализмга нисбатан туб афзаллиги ҳам ана шунда ўз ифодасини топмоқда. Ҳақиқатан ҳам, буржуа давлатларига бир назар ташлаб кўринг. Буржуа давлатларининг парламентлари ва ҳукуматлари меҳнаткашлар оммасини қандай қилиб итоаткорликда тутиш, қарам мамлакатлардаги ўз мавқеини сақлаб қолиш, империалистик ҳарбий блокларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари билан кўпроқ шуғулланмоқдалар. Хўжалик қурилиши масалаларига доир мақола ва хабарларни буржуа газеталаридан топа олмайсиз. Лекин бу газеталарда хилма-хил сиёсий сенсациялар тўлиб тошиб туради.

Капиталистик монополияларнинг матбуотида хўжалик туб маънода сиёсат предмети эмас, деган мулоҳазаларни тез-тез учратиш мумкин. Буржуа публицистлари сиёсат деганда одатда давлатни бошқаришни тушунадилар. Экономика масаласига келганда эса, бу ҳақда ишбилармонд кишилар, бизнесменлар, корхона эгалари бош қотириши лозим эмиш. Сиёсатни бундай тарзда тушуниш ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкчилигига асосланган буржуазия тузуми шароитида муайян даражада тўғридир.

Капиталистик хўжалик системасини тугатувчи ишчилар синфи ҳокимият тепасига келганида эса, аҳвол тубдан ўзгаради. Бундай шароитда давлатни бошқариш хўжалик қурилиши вазифалари билан чамбарчас боғлангандир. В. И. Ленин бу ҳақда 1918 йилдаёқ шундай деб ёзган эди: **«... Энди ғоя — миллий халқларнинг энг янги тарихида биринчи марта бўлса керак — энди ғоя шундай бошқариш тўғрисида бораётирки, бу бошқаришда сиёсат эмас, балки экономика биринчи даражадаги аҳамият касб қилмоқда. Одатда «бошқариш» деганда худди ва даставвал ёки ҳатто нуқул сиёсий фаолиятни тушунадилар. Ҳолбуки, капиталистик жамиятдан социалистик жамиятга ўтишнинг туб моҳияти сингари Совет ҳокимиятининг ҳам туб асослари, туб моҳияти шундан иборатки, бунда сиёсий вазифалар иқтисодий вазифаларга нисбатан бўйсунувчи ўринда туради»** (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 5-нашри, 130-бет).

Иқтисодий вазифаларни биринчи ўринга қўйишни инсоният билган барча қонуний тўнтаришлардан энг чуқур ва кескин тўнтариш бўлган социалистик революциянинг характери тақозо этади. Бу революциянинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришдан, коллектив меҳнатга ва энг янги техникага асосланган планли ишлаб чиқаришни вужудга келтиришдан иборат. Ана шундай шароитдагина ижтимоий ҳаётдаги стихияли процессларни ўн ва юз миллионларча кишиларнинг онгли ва муайян мақсадга қаратилган фаолияти билан алмаштириш мумкин.

Буржуа философлари ва сиёсатдонлари социалистик революция ғўё фақат емирувчилик ишини бажаради деб даъво қилиб, бу революцияга туҳмат тошини ёғдирмоқдалар. Ҳақиқатда эса, бундай революциянинг асосий мазмуни ижобий яратувчилик фаолиятидан иборатдир. Коммунистик партия Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки кунларданоқ халқни социалистик турмушнинг янги формаларини қуришга даъват этди. Эски дунё контрреволюцион кучларининг қутуриб кўрсатган қаршилигигина партия белгиласган вазифаларни амалга оширишга вақтинча халақит берди. Граждан уруши ғолибона тугаши биланоқ хўжалик қурилиши масалалари яна кун тартибига қўйилди.

Бутун Россия Советларнинг VIII съездида қабул қилинган машҳур электрлаштириш плани — ГОЭЛРО планини бир эсга олиб ўтайлик. В. И. Ленин ўша вақтда бу планни партиянинг иккинчи программаси деб атади. В. И. Ленин йирик индустрияни вужудга келтириш ва қишлоқ хўжалигини ўзгартириш вазифасини ана шу план билан боғлар эди. Владимир Ильич энг янги техника даражасига мос бўлган ва деҳқончиликни қайта қуришга қодир бўлган йирик саноат — мамлакатни электрлаштиришдир, деб кўрсатган эди. Қолоқ ва заиф Россияни илғор ва қудратли социалистик давлатга айлантириш ҳақидаги гениал фикр Владимир Ильичнинг «Коммунизм — Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатни электрлаштиришдир» деган машҳур формуласида ўз ифодасини топди.

Машҳур инглиз ёзувчиси, «Россия зулмат ичида» номли китобнинг автори Герберт Уэллс Ленининг Россияни электрлаштириш плани тўғрисидаги фикрини эшитганидан кейин Ленинни «Кремль ҳаёлпарасти» деб атади. Фантастик асарлар билан донг чиқарган ёзувчининг фикрлаши Ленин орзуси реал факторларга халққа социалистик революция берган буюк яратувчилик кучни тушуна билишга асосланганлигини тушуниб олиш учун етарли бўлмай қолган эди. Россия кўплаб электр станциялар ва қудратли техник машина-ускуналар билан қопланган тақдирда Россиянинг коммунистик хўжалик қурилиши Европа ва Осиёдаги келажак социалистик қурилишлар учун намуна бўлиб хизмат қила олишини Ленин ўша пайтда, мисли кўрилмаган вайронгарчилик вазиятидаёқ олдиндан кўра билган эди.

Ленин васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партия социализм қуришнинг бош йўлини ишлаб чиқди ва бу йўлни оғишмай амалга ошириб келди. Партиянинг ленинча сиёсати қудратли социалистик индустрияни, социалистик қишлоқ хўжалигини вужудга келтиришни таъминлади, мамлакатни асрлар бўйи давом этган техника-иқтисодий қолоқликдан тараққиёт чўққиларига кўтарди. Қисқа тарихий муддат ичида СССР жаҳонда буюк давлат бўлиб қолди. Эндиликда СССРнинг кучини дўстларимизгина эмас, балки коммунизмнинг энг ашаддий душманлари ҳам эътироф этмоқдалар.

Мамлакатимиз болта ва арава, омоч ва чархлардан илғор техника, жуда кучли станоклар ва ғоят аниқ приборлар, автоматик линиялар, электрон-ҳисоблаш машиналари ва космик кемаларгача бўлган йўлни босиб ўтди. Бунда шу нарсани ҳам эсдан чиқармаслик керакки, Совет давлатининг йигирма йилга яқин вақти мудофаа урушлари ва шу урушлардан кейин халқ хўжалигини тиклашга сарфланди.

Қўйидаги маълумотлар индустриал қудратимиз тўғрисида яққол тасаввур беради. Ҳозирги вақтда машинасозлик ва металл ишлаш саноати 1913 йилдагига нисбатан 350 баравардан кўпроқ маҳсулот чиқармоқда. Советларнинг VIII съезди ГОЭЛРО планини муҳокама қилаётган пайтда Москвадаги электр энергия съезд мажлислари бўлаётган бинони ёритиш учун зўрға етган эди. Эндиликда биз 400 миллиард киловатт-соатдан зиёд ёки революциядан олдинги даврдагига нисбатан икки юз баравар кўп электр энергияси ҳосил қилмоқдамиз. СССРнинг энергетика қудрати жаҳонда тенги бўлмаган янги электр гигантларининг қурилиши туфайли кун сайин ортиб бормоқда.

Кейинги ўн йилликда иқтисодий қурилиш айниқса кенг қулоч ёзди. СССР саноатининг ялпи маҳсулоти 2,7 баравар кўпайди. 8,500 та янги йирик корхона қурилди. Шу йиллар ичида уй-жой қурилиши мисли кўрилмаган суръатлар билан ўсди. Шуни айтиш кифоя ки, ўн йил мобайнида 108 миллион совет граждани янги уйларга кўчиб кирди ва ўз уй-жой шароитларини яхшилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва бу маҳсулотларни давлат йўли билан харид қилишни кўпайтиришда ҳам анча муваффақиятлар қўлга киритилди. Тўғри, 1963 йил иқлим шароити жиҳатидан ғоят ноқулай йил бўлди. Қаҳратон қиш совуқлари, сўнгра ёзги кучли қурғоқчилик энг муҳим қишлоқ хўжалик районларига катта зарар етказди. Дадил айтиш мумкинки, социалистик қишлоқ хўжалик системаси бўлмаганида, 1963 йилда мамлакатимизда рўй берган бу қадар даҳшатли табиий офат кўп миллион кишиларни ғоят оғир аҳволда қолдирган бўлур эди. Лекин бизда давлат ва халқ манфаатлари бир бутун бўлганлиги сабабли совет кишиларидан ҳеч ким ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Партия ва ҳукумат мамлакатни галла билан таъминлаш юзасидан бутун чораларни кўрдилар.

2.

Сиёсат санъати, деб таълим берган эди В. И. Ленин, тараққиётнинг ҳар бир янги босқичида воқеалар занжиридаги асосий халқани топиб, шу халқа ёрдами билан бутун занжирни чиқариб олишдан иборатдир. Ҳозирги вақтда экономикамиз тараққиётида химия саноати ана шундай қалқадир. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми бу ҳақда яхши ва равшан фикрларни айтди.

Партия химия саноатини жадал ривожлантиришни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг ва халқ фаровонлигини ўстиришнинг муҳим шарти деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми химия саноатини ривожлантиришнинг конкрет программасини ишлаб чиқиб, барча совет кишиларини ана шу программани бажариш учун зўр ғайрат билан ишга киришишга чақирди. Келгуси етти йил ичида (1964—1970 йиллар) тахминан 200 та янги корхона қурилиши ва ишлаб турган 500 дан кўпроқ корхона реконструкция қилиниши лозим. Химия саноатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини комплекс химиялаштириш учун сарф қилинадиган капитал маблағларнинг умумий суммаси 42 миллиард сўмдан зиёддир.

Химия — инсон ақл-идроки ва ижодининг энг ажойиб ютуқларидан биридир. Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қилган докладида айтдики, партия химия қурилишини жуда кенг авж олдириб юбориш ҳақидаги масалани ўртага қўя туриб, аввало қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва шу йўл билан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қатъий юксалтиришни назарда тутади.

Бироқ химия қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўллигини яратиш проблемасини тубдан ҳал қилиш имкониятинигина бериб қолмайди. Химия халқ истеъмоли учун юқори сифатли жуда хилма-хил товарларни ишлаб чиқариш учун чексиз имкониятлар очиб беради. «Тасвирий ибора билан айтганда, таъкидлаб ўтди Н. С. Хрушчев, — химия одамни боқадигина эмас, балки кийинтиради ҳам, одамнинг турмушига кўпдан-кўп қулай, арзон, бежирим нарсаларни олиб киради».

Химия индустриясини бутун чоралар билан ривожлантириш — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Химияни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш имконияти шу нарса билан белгиланадики, бизда ҳозиргача қудратли энергетика базаси вужудга келтирилган. Мамлакатни батамом электрлаштириш — яқин келажакнинг иши бўлиб қолди. Электр халқ хўжалигининг барча прогрессив тармоқларини ривожлантириш учун, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун ғоят қулай истиқболлар очиб беради, бусиз коммунистик жамият экономикасини вужудга келтириш мумкин эмас. **Химия электр билан биргаликда мўъжизакор куч бўлиб, бу куч моддий неъматларнинг мўл-кўллигини жадал суръатлар билан вужудга келтириш, бу неъматларни тақсим қилишнинг коммунистик принципини амалга ошириш муддатларини яқинлаштириш имконини беради. Бутун мамлакатни электрлаштириш ва халқ хўжалигини химиялаштириш — коммунизм экономикасини вужудга келтиришга олиб борадиган асосий йўлдир.** КПСС ҳозирги вақтда химия саноатини ва халқ хўжалигининг бошқа энг самарали тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганлиги ҳам шу билан изоҳланади.

3.

Партия шунга асосланадики, экономика — коммунизм учун курашнинг асосий фронтидир. Эндиликда фаровонлик ва социализмнинг афзалликлари тўғрисида чиройли сўзлар, умумий революцион чақириқлар ва фикрлар эмас, балки, аввало, амалий иш зарур.

Партия барча раҳбарларнинг ва оддий ходимларнинг эътиборини хўжалик ва маданий қурилишнинг амалий вазифаларини ҳал қилишга, халқ фаровонлигини оширишга қаратмоқда. Маълумки, кейинги йилларда КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан саноатни, қурилишни ва қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш, халқ хўжалигини планлаштиришни яхшилаш, партия раҳбарлигини бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасига яқинлаштириш юзасидан бир қанча йирик тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси халқ хўжалигимизнинг йил сайин янги босқичга кўтарилиб боришига, бойлигимизнинг узлуксиз кўпайишига ва Ватанимиз иқтисодий қудратининг мустаҳкамланишига қаратилгандир. Биз фақат ана шу йўл билан энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий мусобақада ҳал қилувчи ғалабага эриша оламиз, янгидан-янги юз миллионлаб кишиларни социализмнинг капитализмга нисбатан устунлигига ишонтира оламиз.

Эндиликда инсоннят капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Ўз даврини яшаб бўлган капиталистик тузум ўрнига янги, социалистик ижтимоий тузум келмоқда. Буржуа идеологлари ва сиёсатчилари ана шу жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган фактни рад этишга уринмоқдалар. Уларнинг кўплари ғўё «эркин дунё» деб аталган тузум тартиблари абадий ва мустаҳкамдир, деб даъво қилмоқдалар. Бироқ ижтимоий тараққиётнинг шубҳасиз илгарилаб бориши, социализмнинг ғоят тез ўсиши бу тартибларни бузиб ташламоқда, халқларнинг ҳақиқатан ҳам эркин ва бахтиёр ҳаёт кечиришлари учун замин яратмоқда. Халқларга бундай ҳаётни эса коммунизм беради. Капитализм — иқтисодий анархия, доимий ишсизлик ва оммани таъминламайдиган тузум, ҳамиша уруш хавфини туғдириб турадиган тузум эканлигига янгидан-янги миллионлаб кишилар ишонч ҳосил қилмоқда. Улар Совет Иттифоқига, социализм мамлакатларига тобора тез-тез назар солмоқдалар. Социализм мамлакатларида экономика ва маданиятни юксалтиришда муваффақиятли суратда янги марралар эгалланмоқда, бу ерда инсон меҳнати билан вужудга келтирилаётган нарсаларнинг ҳаммаси бир тўда бойлар, эксплуататорлар учун эмас, балки бутун жамият учун сарфланмоқда.

Доимо зўр бериб қуролланишга, агрессив блоклар тузишга ва ҳарбий авантюраларга интилаётган империалистик системага қарамақарши ўлароқ, социализм ўзининг тарихий миссиясини ер юзида абадий тинчлик барқарор қилишда деб билади. Партиямиз ўзининг ташқи сиёсат соҳасида тутган йўлида социал системаси турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан ҳимоя қилмоқда, соғлом халқаро муносабатлар ўрнатиш йўлини тутмоқда, қатъий халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Партиямиз белгилаётган иқтисодий тараққиёт планлари мамлакатимиз манфаатларинигина эмас, балки жаҳон социалистик системасининг, бутун прогрессив инсониятнинг манфаатларини ҳам кўзда тутади. КПСС Программасида айтиладики, партия СССРда коммунистик қурилишни совет халқининг бутун интернационал вазифаси деб қарайди. Совет халқи иқтисодий тараққиёт планларини, партия сиёсатини муваффақиятли бажариш билан бутун дунёда тинчлик, тараққиёт ва социализм ишининг ғалаба қилишини яқинлаштиради.

С. ТИТАРЕНКО.

НАЗИРА

Назира Мўминова «Правда» колхозида болалар боғчаси мудирасининг ўринбосари. Колхозчилар бу ғайратли аёл номини тилга олишганда, фахр билан «Бизнинг мудира — муаллима» дейишади. Бунинг боиси бор албатта. Назира мактабда муаллима бўлмаса ҳам, тез-тез турли темаларда «дарс»лар — лекция ва кечалар ўтказиб туради.

Кишиларимизга энг яхши инсоний фазилатларни ёшликдан сингдириш, ёш оилаларда дўстлик, ўзаро ҳурмат ва соф муҳаббат учун кураш— буларнинг ҳаммаси янги, коммунизм кишисини тарбиялаш ишининг таркибий қисмларидир. Назира ўз «дарс»ларида мана шулар ҳақида бахс юритади. Унинг «Коммунизм қурамиз ва коммунизмда яшаймиз» деган циклда яқинда ўтказган «Оила ва болалар тарбияси», «Ишларимиз қандай бўлмоғи лозим» темаларидаги суҳбат-лекциялари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Назира колхозда ўзига ўхшаш актив пропагандист ва агитаторлар сафини кўпайтиришда ҳам мақтовга сазовор иш қилмоқда. У раҳбар бўлган комсомол сиёсий ўқиши тўғарагининг 40 га яқин аъзоси ҳам агитация ва пропаганда иши активларидир. А. Эгамбердиев, Н. Орипов, Озода Тоғаева каби колхоз ишлаб чиқаришида фаол қатнашаётган йигит-қизлар шулар жумласидандир. Улар ҳам ўз тўғарак раҳбарлари Назира Мўминова сингари лекция ва суҳбатларида қизиқарли маҳаллий фактлар ва мисоллардан кенг фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

А. ШОМИРЗАЕВ,

Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси.



Урта Осиё Урмон хўжалиги илмий-текшириш институтида янги радиобиология лабораторияси ташкил этилди. Урмон хўжалиги соҳасида Урта Осиёда биринчи бўлган бу лаборатория турли хил замонавий приборлар билан тўла-тўкис жиҳозланган. Суратда: радиобиология лабораториясининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ С. Анастасов лабораторияда тажриба ишлари ўтказмоқда.

В. Кирияцкий фотоси.

Мухбирлар йиғилиши

Яқинда Янгийўл бошқармасидаги «Янгийўл» газетаси актив газетхонлар ва ҳаваскор мухбирларнинг йиғилишини ўтказди. Йиғилишда газета редактори ўртоқ Г. Фаттоҳов партиямиз Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленуми қарорлари ҳамда бу қарорларни бажаришда газета активларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Мухбирлардан М. Эргашева, Т. Ҳасанов, Е. Ўринбоев ва бошқа ўртоқлар газета ишини янада яхшилаш юзасидан ўз таклиф ва истакларини билдирдилар.

А. ИНОҒОМОВ.

Агрохимия мактаби

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхоз ҳузурида агрохимия мактаби очилди. Колхоз мутахассислари билан Чотқол тоғ мелиоратив тажриба станцияси илмий коллективи томонидан ташкил этилган бу агрохимия мактабига бригадир, химизатор, звено бошлиқларидан иборат 16 га яқин киши жалб этилган.

Агрохимия мактаби машғулотлари қизиқарли олиб борилмоқда. Машғулотлар программаси хилма-хил. Тингловчилар ҳам назарий, ҳам практик жиҳатдан яхши маълумот олаяптилар.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Урта Чирчиқ район маданият уйида халқ соғлиғини сақлаш университети иш бошлади. Университетнинг биринчи машғулотида район санитария даволаш бирлашмасининг бош врачи ўртоқ А. Мағдиев «Халқ соғлиғи — юрт бойлиги» деган темада лекция ўқиди.

Бундан ташқари шу бошқармадаги Авангард посёлкасида ҳам соғлиқни сақлаш университети ташкил этилди.

Ҳар иккала халқ университети машғулотларига кўплаб киши қатнашмоқда.

К. СОДИҚОВ.

КИТОБХОНЛАР ХИЗМАТИДА

Шинамгина қилиб безатилган кутубхонанинг ўқув залига кирар эксанси, витринага қўйилган янги китоблар ихтиёрингизни жалб қилади. Мана, қорачадан келган ўрта бўй қиз витринага қўйилган янги китобларни кўздан кечира бошлади. Унга Совет ёзувчиси Л. Жуковицкийнинг «Сенинг ўғлинг» номли повести ёқиб қолди шекилли, бош кутубхоначи Комиловнинг олдига келиб, у билан самимий сўрашиб олгач:

— Замира опа, —деди у қўлидаги китобни унга узата туриб, — Ойбекнинг «Болалик» китоби менга жуда ҳам ёқиб қолди. Повестда Октябрь социалистик революцияси арафасидаги халқимиз ҳаёти яхши тасвирланибди. Энди менга Л. Жуковицкийнинг «Сенинг ўғлинг» деган китобини бересанми?..

— Хўп бўлади, Лолахон, —деди кутубхоначи Замира Комилова хушнудлик билан.

Шу пайт у жовонларга териб қўйилган бадиий китоблар орасидан Лолахон Ниёзова Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», Лацинининг «Янги қирғоқ бўйида» ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўқиб чиқди.

Кутубхона аъзолари орасида Лолахонга ўхшаш китобхонлар оз эмас. С. Султонқулов, И. Ёқубов, Н. Орипова, А. Исамухамедовалар шулар жумласидандир.

Китобхонларга мана шундай маданий хизмат кўрсатиб келаётган пойтахтимизнинг Октябрь районидаги «Октябрь» кутубхонаси областимиздагина эмас, балки республикамизда ҳам йирик кутубхоналардан бири ҳисобланади.

Кутубхона 1918 йили ташкил қилинган. Кутубхона ташкил топган кундан бошлаб меҳнаткашларга намунали хизмат қилмоқда. Унинг китоб фонди эса йилдан-йилга янги китоблар билан бойиб бораётир. Ҳозир, бу ердан истаган китобингизни топишингиз мумкин.

Кутубхонада марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, классик ёзувчилар ва атоқли совет ёзувчиларининг асарлари, қишлоқ хўжалиги, техника, химия, медицинага доир кўплаб адабиётлар бор. Бундан ташқари кутубхона 250 га яқин номда газета ва журналлар ҳам олиб туради.

Кутубхонада омма билан мустаҳкам алоқа боғлаш ва улар билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Қарийб мингга яқин аъзоси бўлган бу маданият ўчоғида китобхонлар конференциялари, қизиқарли темаларда консультациялар ҳам тез-тез ўтказилиб турилади. Шунингдек, кутубхона коллективи областдаги барча кутубхона мудирларига ишни қандай ташкил қилиш, китобхонларга қандай хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда ҳам методик ёрдам бериб туради.

Маълумки, областимизнинг шаҳар ва бошқармаларидаги кутубхоналарнинг ҳаммасида ҳам истаган китобингиз топилавермайди. Шунга кўра «Октябрь» кутубхонасида абонементаро алоқа орқали ҳар хил китоблар ёзиб олинади ва бошқа кутубхоналарга юборib турилади. Бу эса китобхонларни керакли китоблар билан ўз вақтида таъминлаб туриш имконини бермоқда.

Ҳозир, бу кутубхонада 17 та малакали мутахассис кадр ишламоқда. Уларнинг бутун кучи ва фаолияти областимиз китобхоналарига намунали хизмат қилишга қаратилган.

Ҳ. ТЎЛҚИНОВ.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА АТАБ

Пойтахтимиздаги Марказий лекторийда «Узбекистон — социализмнинг Шарқдаги машъали» циклидаги лекциялари қиш бошланди. Бу лекциялар Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланади.

Шонли юбилейга атаб ўқиладиган лекцияларнинг темаси ҳам ҳар хил. Тарих фанлари доктори Х. Турсунов «Ленинча миллий дўстлик — социализмнинг улуғ ғалабаси», Тошкент тўқимачилик институтининг ўқитувчиси П. М. Лерман «Узбекистон меҳнаткашлари моддий ва маданий ҳаётининг ўсиши», Тарих ва археология институти бош илмий ходими В. И. Шафир «Узбекистон тарихини сохталаштиришнинг баъзи масалалари» каби темаларда лекциялар ўқиш.лапти.

Марказий лекторийда Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, республикамизда химия саноатининг ривожланиши, Узбекистон пахтачилиги ва саноати тўғрисида бир неча лекция ва суҳбатлар ҳам ўтказилади. Шунингдек бу ерда Узбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатишда фаол қатнашган революция ветеранлари, партия, совет ва жамоат ваниллари ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ҳам ташкил қилинади.

Ҳозир Марказий лекторий фойесида Ленининнинг революцион фаолиятини ва Узбекистоннинг 40 йил ичида эришган муваффақиятларини кўрсатувчи фотовиставка намойиш қилинаётир.

С. ПУЛАТОВ.

ЕР СЕМИЗ—ҲОСИЛ ЭГИЗ

Новаторлар тажрибасини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг илғор технологиясини ишлаб чиқаришга жонбозлик билан жорий қилиш —бутун ташкилотчилик ишимизнинг марказида турмоқ керак, деди ўртоқ Н. С. Хрушчев партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимларининг кенгашида қилган докладида. Ҳозирги кунда колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг бутун диққат эътибори ана шу кўрсатмани амалга оширишга қаратилган.

Ахир бу йил юкимиз анча оғир. Қўшни «III Интернационал» колхозини қўшиб олганимиздан сўнг, кам ҳосил олинган ерлардан ҳам мўл ҳосил етиштиришни олдимизга мақсад қилиб олганмиз. Бу йил ҳаммаси бўлиб 1410 гектар ерда пахта етиштирилади.

Колхоз активлари, илғор бригада ва звено бошлиқлари билан маслаҳатлашиб ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказишни келишиб олдик. Бунинг учун биринчи навбатда ишни ўша собиқ «III Интернационал» колхозининг тупроқ иқлим шароитини ўрганишдан бошладик. Анчагина майдонлар ориқлаб қолган экан. экишдан олдин яхшилаб ўғитлаб озуқага тўйдирдик. Тўла гектарни таъминлаш учун ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Дала бурчаклари, ер чеккаларини, кераксиз йўлларни экин майдонларига қўшиб ҳайдаш билан бирга, карта четларидаги дарахтларни бошқа ерга кўчириб ерни кенгайтирдик. Хуллас, ерни экишга обдон созлаш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Биргина бу участкада эмас, бошқа участкаларимизда ҳам чигит экишга тайёргарлик ишлари намунали ўтказилмоқда. Керакли техника аллақачоноқ ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилган. Ариқ-зовурларни тозалашни тугаллаш арафасидамиз.

Ер семиз бўлса—ҳосил эгиз бўлади. Ана шуни яхши ҳис қилган деҳқонларимиз маҳаллий ўғит тўплаш ва компост тайёрлашга алоҳида эътибор бердилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ марказий участкада 2 минг тоннадан ортиқ компост тайёрлаб қўйдилар. Давлат томонидан берилган ўғит ташиб олинди ва усти ёпиқ жойларда сақланмоқда.

Пахтачиликни механизациялаш соҳасидаги ишимизни бу йил яна да кенг кўламда давом эттирамиз. Ҳозирдан бошлаб 30 процент майдондаги пахтани машинада теришни мўлжаллаб иш қилаяпмиз. Ана шу мақсадда механик-ҳайдовчилар курси очилди. Бу курсда колхозимиздаги илғор тракторчилар ва звено бошлиқларидан танлаб олинган 30 киши ўқимоқда.

Коммунист ва комсомоллар мўл ҳосил учун курашда, хўжаликни комплекс ривожлантириб, янги марраларни қўлга киритишда авангард бўлмоқда. Улар КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлаш тўғрисидаги кўрсатмаларининг моҳиятини колхозчилар онгига чуқур сингдирмоқдалар. Ҳозир далаларда, фермаларда ҳаммаси бўлиб 120 га яқин агитатор, 30 қишлоқ лектори агитация ва пропаганда ишларини олиб бормоқда.

Химиянинг хосиятини, унинг мўъжизаларини кенг тушунтириш —агитация ишларининг марказида турибди. Химия ўқитувчиларидан Тен Петр Борисович, Дўйсен Анасбоев, участка партия ташкилотининг секретари А. Утегенов, колхоз агрономи Пак Андрей, участка агрономи Иўлдош Умаров ўртоқлар бу соҳада айниқса самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ернинг яхши-ёмони йўқ, ҳамма нарса ўзимизга, қунт ва ихлосга боғлиқ. Бир бригада 45—50 центнердан ҳосил олиб турсаю, унга қўшни бўлган, ер шароити, суви, техникаси, ишчи кучларида деярли фарқ бўлмаган бригадада 15—20 центнердан ҳосил олинса! Бу ҳақиқатга тўғри келмайди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг диққат-эътибори колхозимиздаги машъалларнинг тажрибасини ҳамма бригада ва звеноларга кенг ёйиб, белгиланган майдонлардан юқори ҳосил олинишини таъминлашга қаратилган.

Д. ПАК.

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел» колхози партия комитетининг секретари.



Бекободдаги 1-«Далварзин» совхозининг деҳқонлари минерал ўғитларнинг қадрига етишади. Шунинг учун ҳам улар давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ҳозир намунали сақлашяпти. Суратда: ўғит сақланаётган омбор.

А. Абалян фотоси.

ДОН—ОШ БИЛАН НОН

Инсон умридан ўзга не азиз, не мўътабар? Нон азиз, нон мўътабар! Қуёш кулиб боққан баҳор тонгида, поёни йўқ адрлар, қирлар оша кезганингизда, бўйлари бел билан ўпишган, шабода эпкинида денгиз каби мавж урган ғаллазорларни кўрганингизда нақадар завқшавқ оласиз, дилингиз нақадар хушнуд бўлади. Сиз яхши биласизки, кўз ўнгингиздаги шу яшилзорларда ҳа демай олтин бошоқлар пайдо бўлади, шу олтин бошоқлардан уюм-уюм дон хирмонлари бунёдга келади. Хирмонлар элу-юртга ош билан нон армуғон этади.

Асл ғаллакор буни ўз қалбида чуқур ҳис этади, касбини улуғлайди, халқ маъмурчилигини тўла таъминлаш йўлида бошланган хайрли курашга муносиб ҳисса қўшаётганлиги билан фахрланади. Зотан улуғ партия шунга даъват этяпти. Кимки турмушимиз янада фаровон бўлсин деса, кимки дастурхонимиз ҳамиша оппоқ нон билан тўлсин деса ғаллазорларни кенгайтирсин, ҳосилдорликни оширсин, деб чорлаяпти.

Жанговар чақириқ бу! Ҳамманинг ўйидаги, дилидаги олижаноб гап бу! Миллион-миллион ғаллакорлар, юрагида ўти бор, билагида кучи бор, ғайратшижоати барқ урган деҳқонларимиз бу чақириққа «лаббай, биз улуғ курашга тайёрмиз», деб жавоб беришаяпти!

Паркент—областимизнинг ғалла конларидан. Бу ерда юзлаб, минглаб юқори ҳосил усталари бор. Адрлар бағрини, қирлар бағрини мавртида созлаб, ағдариб уруғ сепган шерлар шу ерда. Олтин денгизда сузиб, машиналар кузовига тонна-тонналаб сара дон тўккан комбайнерлар шу ерда!

Ўтган йили баҳорикор ерларнинг ҳар гектаридан 12-13 центнердан ғалла хирмони кўтарган «Коммуна», «Гулистон» колхозларининг азаматлари бу йил ҳам олға қараб қадам ташлашяпти. Улар жонажон партиямиз Марказий Комитетининг декабрь, февраль Пленумлари қарорларидан куч, илҳом олиб ғаллакорлик шарафини оқлаш йўлида чинакам жанг бошлашди. Кузда сифатли ҳайдалиб, созлаб уруғ сепилган ерларда ғалла майсалари барқ уриб ўсиб, баракали ҳосилдан дарак бераяпти.

Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан юз центнердан ҳосил кўтариш учун курашга! Эндиликда бу ўзбек ғаллакорларининг, комсомол-ёшларнинг ҳам муқаддас ва жанговар шиорига айланиб кетди. Шу улуғ ишнинг ташаббускорлари: «Қани, мард майдонга!» деб отилиб чиқишмоқда. Янгийўлдаги «Шарқ юлдузи», «Ленинизм», Калинин бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозлари ғаллакорларининг ҳимматига минг карра балли! Бу колхозларда энг бақувват ерлар дон, маккажўхори ва бошоқли экинлар учун ажратилди. Шу ерлар кўнгилдагидай ишланди, етарли миқдорда тупроқ озуқаси жамғарилди. Ишнинг кўзини биладиган, меҳнатда чиниққан, касбига меҳр қўйган, жонкуяр кишилар тайин этилди. Бугун ана шу колхозларнинг ғалла етиштириладиган ерларида бўлинг, кишиларнинг бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз бўлиб қилаётган фидокорона меҳнатларини кўринг, уларнинг аҳд паймонлари чин эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳа, шундай. Бу йил Ўзбекистон ленинчи комсомол-ёшлари катта курашга бел боғлашди. Лалмикор ерларда ҳам, суғориладиган ерларда ҳам ҳали мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштиришдек жанговар шиорни ўртага ташлашди. Серқуёш республикамиз бўйича 35-40 миллион пуд ғалла етиштирамиз, деб аҳд қилдик. Бу нима деган сўз?! Бу Ўзбекистонимиз эндиликда фақат пахтачиликдагина эмас, ғалла етиштиришда ҳам ажойиб натижаларга эришади, ғалла ҳам момиқ «оқ олтин»имиз каби миллий ифтихоримиз, олтин дурдонамиз бўлиб қолади, деган сўз!

Областимизнинг ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамланган илғор колхоз ва совхозларида худди ана шунга амал қилинаяпти, сўзимиз билан ишимиз бир бўлиши партия олдида, жонажон Ватан олдида, олижаноб халқимиз олдида юзимиз «оқ олтин»имиз ва олтин донимиздай ёруғ бўлсин, деб хитоб қилишаяпти. Юқори чирчиқликлар, Калинин бошқармасидаги илғор колхозларнинг азамат кишилари, бўкаликларнинг кузги дон экишдаги эришган ютуқлари дил хурсанд қилганидек, баҳорги дон экишда кўрсатаётган ғайрат-шижоатлари, маккажўхори ва бошоқли экинлар учун кураётган қизғин тайёргарликлари ҳам кўнгилга қувонч бахш этади. Ҳали айтганимиздай ғаллакорларимиз олдида турган вазифа улуғ ва шарафли. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилганидагина, ягона мақсад йўлида чинакам курош олиб борилгандагина бу вазифани тўла бажара оламиз. Оққўрғонликлар, Ўрта Чирчиқ ва бекободликлар бу гапларимиз сизларга таалluқлик. Нега? Чунки Сизларнинг бошқармаларингизда баҳорги дон экиш кечикиб кетаяпти. Навбаҳорнинг қуёшли олтин дамлари бехуда кетаяпти, маккажўхори ва бошқа дуккакли экинларга ер ажратиш, экин учун тайёргарлик сust бораяпти.

Йўқ, вақт кутиб турмайди. Ҳар соат, ҳар дақиқаси ғаниматдамлар бу. Агар республикамиз ғаллакорлари бошлаган улуғ, хайрли ишга муносиб ҳисса қўшамиз десангиз, пахтакорлик сингари, ғаллакорлик шарафини ҳам қадрлаймиз десангиз, ғайрат камарини белга қаттиқроқ боғланг, катта карвондан ортда қолманг, Ватан омборларини олтин дон билан тўлдириш учун курашувчи азамат кишилар сафида бўлинг!

Областимиз бўйича бу йил 254,9 минг тонна дон етиштирилиши ва давлатга шундан 77,1 минг тоннаси сотилиши керак. Биз бу йил ҳар гектардан 11-12 центнердан бошоқли дон, 33 центнердан шоли, 47 центнердан маккажўхори ва жўхори дони олинишини таъминлашимиз лозим. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ҳозирги кунда бутун диққат-эътиборни ана шу муҳим вазифага қаратмоқлари, ишчи кучларини мавжуд техника воситаларини шу хайрли ва улкан ишга тўла сафарбар этмоқлари керак. Маккажўхори экиладиган майдонларни белгилаб чиқишлари ва бу ерларни экишга кўнгилдагидек тайёрлашлари, сара, юқори ҳосилли уруғликлари ғамлаб қўйишлари лозим. Ғаллачиликда химия воситаларидан самарали фойдаланилмоқ зарур.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар қувиб ўтаяпти. Ҳадемай, олтин бошоқ денгизида комбайнлар сузадиган дамлар ҳам етиб келади. Иш қуролинг соз бўлса, машқкатинг оз бўлур, деганларидек техника соз бўлса ўримйиғимда дорда қолмаймиз. Шунинг учун ҳам ҳозирдан транспортларни, комбайнларни мавсумга шай қилиб қўйиш зарур. Ғаллачилик бригадалари ва звеноларига шу касбни пухта эгаллаган, ишнинг кўзини биладиган кадрлар бошчилик қилсинлар. Кишиларга ҳар тараф лама қулай иш шароити яратиб бериш, уларни ҳалол меҳнатга рағбатлантириб туриш бошланғич партия ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекцияларининг биринчи навбатдаги вазифаси бўлмоғи лозим.

Область ғаллакорлари жонажон республикамиз бўйича бу йил 35—40 миллион пуд ғалла етиштириш учун курашга муносиб ҳисса қўшайлик! Партиямиз Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини тўла амалга ошириш ҳар биримизнинг жонажон ишимиздир!

Усмон ЖОНГИТОВ.

КЎКЛАМ НАШИДАСИ

(РЕПОРТАЖ)

□ □

Оҳангарон дарёсининг шўҳоқар зилол суви қуёш нурида жимирлайди, оҳиста мавжланади. Дарё бўйидаги дарахтларнинг куртаклари, бўртиб қолган новдалари баҳор шамоли эпкинидан аста силкинади. Кузда шудгор қилинган, қиш бўйи намга қонган, ҳозир бўрсиб турган ерлар, йўллар, ариқ-зовурлар четини қоплаб олган ямяшил майсалар наврўз бошланганидан дарак беради. Ҳа, деҳқоннинг илк баҳори бошланди. Далада ҳам, бағри кенг яйловларда ҳам ҳаёт яна жўшабошлади. Ер бағрига баҳорги уруғ қадалабошланди. кузгисининг эса бўйига бўй қўшилаяпти. Қир-адрда қўй-қўзилар яйрайбошлади.

Мана 1-«Оҳангарон» совхозининг 3-бўлими деҳқонлари юксак марраларни кўзлаб меҳнат фронтида жавлон уришяпти. Улар ишлаб чиқаришни интенсивлашдек муҳим ишга бел боғлашган.

— Дарҳақиқат шундай,—дейди бўлим бошлиғи ўртоқ Н. Шамсуддинов,—деҳқончилигимизнинг истиқболи ана шуни талаб қилаяпти. Бу борада ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш асосий дастак бўлиши керак. Ҳозирги вақтда бўлимимизда 50 дан ортиқ механизатор бор. Бу—катта куч. Ишимиздаги масъулиятнинг кўп қисми ана шуларнинг зиммасига тушади. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш биринчи галдаги вазифамиздир.

Ўртоқ Қамбар Парпиев бошчилик қилаётган бригадада иш қизғин. Бригада ишчилари барча дала ишларини уюшқоқлик билан ўз вақти-соатида амалга оширишаяпти.

Бригада аъзоларини Тўбичоқ ва Ялпоқтепа ариқларини тозалаётган вақтларида учратдик. Иш тезкорлик билан сифатли боряпти. Кўп ўтмай бу ариқлардан сув ўйноқлаб оқади, бепоён далаларга жон бағишлайди. Экинлар қониб сув ичиб, мўл-кўл ҳосилини тўкабошлайди. Ариқ тозалаш ишларида бригаданинг Эргаш Болтаев, Бойир Қамбаров, Майсара Маҳкамбоева, Сафар Норматов каби азаматлари яхши ишлашяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 8 кубометр ўрнига 12—13 кубометр ҳажмида тупроқ казиш ишларини бажаришаяпти. Касбдошларига ўрнак бўлишаяпти.

— Кўклам экиш кампаниясига давр мавжуд тўрт бригадамизда жами 7100 кубометр ҳажмида ариқ ва зовур тозалаш ишлари бажарилиши керак,—дейди гидротехник. Шундан ҳозиргача 6 минг кубометрдан кўпроғи бажариб қўйилган. Қолган қисмини узоғи билан 1 апрелгача тугаллашни мўлжаллаб қўйибмиз.

Кекса миришкор Карим ота Ҳатамов бошчилик қилаётган парник хўжалигида ҳам иш қизғин. Парникда ишлаётган кишилар кўчатларни расад қилиш билан машғул. Бўлим аъзолари бу йил Оҳангарон шаҳри аҳолисини помидор, карам, картошка ва шу сингари бошқа сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшади. Ана шу мақсадларда бу йил катта майдонларда, жумладан 16 гектар ерда помидор, 5 гектар ерда карам, 45 гектар ерда картошка ва бошқа сабзавот экинлари ўстиришади. Парник ишчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан бу ишда ўз ҳамкасабаларига катта ёрдам бераётирлар.

Бўлимнинг Гулбоғ зонасида маҳаллий ўғит ғарамлаётган йигитлар, далага ўғит чиқариш билан банд бўлган шоферлар, арзавакашлар ёнидан ўтиб тошлоқ бир майдонга чиқдик. Бу йил мана шу ерга 30 ўринли трактор парки, ундан икки юз метр нарига 150 бош сигирга мўлжаллаб молхона, 150 бошга мўлжаллаб бузоқхона ва тўртта кўтон қурилди.

Бўлимда ўтган йили ажойиб меҳнат муваффақиятларига эришилди. Миришкорлар 1806 гектар ернинг ҳар гектаридан 7 центнер ўрнига 12 центнердан буғдой, 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 350 центнер ўрнига 600 центнердан ошириб маккажўхори қўкпояси етиштирдилар. Бу йил ҳам барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун курашаётган бўлим ишчилари шу кунларда бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб фидокорона меҳнат қилишаяпти.

Т. ҲАКИМОВ.

УЗУМ МЎЛ БЎЛАДИ

Бўлимимизда 5 бригада бўлиб, 211 гектар токзоримиз бор. Ўтган йилги мавсумда қўлга киритилган ютуқларимиз чакки бўлмади. Токзорлардан анча дуруст узум ҳосили йиғиб олдик. Айниқса уста соҳибкорларимиз Маҳмуд ака Абдувалиев, Абдулхай Усмонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар бултургги об ҳаво ноқулай келган шароитда ҳам гектаридан 91 центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб узум олдилар.

Бизнинг бу йилги мажбуриятимиз ҳар қачонгидан ҳам юксак. Бўлимимиз ишчилари токзорлардан гектар бошига 100—110 центнердан аъло сифатли узум ҳосили йиғиб олишга қатъий бел боғлашган.

Токзорлар ҳосилдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш узум етиштиришни кўпайтиришнинг асосий омилидир. Маълумки, ток узоқ йиллар мобайнида бир жойда ўсиб, шу ернинг тупроғидан озиқланади. Агар ана шу ток тупларининг таги ўз вақтида юмшатилиб, тупроғининг унумдорлиги ошириб борилмаса ер ориқлаб қолиши, узум ҳосилдорлиги камайиб кетиши мумкин. Шундай экан, токзорларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тез-тез озиқлантириб туриш мақсадга мувофиқдир. Бусиз мўл ҳосил олиб бўлмайди.

Сўнгги икки-уч йил ичида токзорларни озиқлантириш яхши йўлга қўйилди. Чунончи шу йиллар ичида токзорларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш 1,5-2 бараварга кўпайди. Минерал ўғитлар тупроқ шароитига қараб, табақалаштирилган ҳолда солинаяпти. Бултур ҳар бир гектарга 150 килограммдан калий, 500 килограммдан суперфосфат солинди. Бу йил ҳам барча токзорларимизга кўпроқ минерал ва органик ўғитлар солишни мўлжаллаб қўйибмиз. Токлар тагига дастлаб компост солабошлаймиз. Шу мақсадларни кўзлаб қиш мавсуми давримда мол ва парранда ғўнги, суперфосфат, калий ўғити ҳамда узум турпи аралаштириб 150 тоннадан зиёд компост тайёрлаб қўйдик.

Токларни парваришлашда механизациядан кенг фойдаланаяпмиз. Ток қатор оралиқларини мавсум давомида 3—4 марта «КО—35» маркали ток трактори билан ҳайдаяпмиз, токларни кўмиш ва очиш ишларида ҳам турли механизмлар қўлланилаяпти. Майдонларни 2—3 марта қондириб суғорамиз, қулай агротехника муддатларида хомток қиламиз.

Шу кеча-кундузда соҳибкорларимиз мавсумга қизғин тайёргарлик кўришаяпти. Барча бригадаларимизда ток сим-бағазларини ремонт қилиш ишлари тугалланди. Ариқ-зовурлар тезкорлик билан тозаланиб, токзорлар пешма-пеш суғорилаяпти. Бўлимдаги мавжуд механизмлар ҳам сифатли ремонтдан чиқарилиб, ток очишга тўла шайлаб қўйилди. Шубҳа йўқки, соҳибкорларимиз бу йилга белгиланган маррага адбатта эришадилар.

М. МИРҲАЕТОВ.

7-боғ ва узумчилик совхози 1-бўлимининг бошқарувчиси.

МУРОДВОЙЛАР СОЯСИДАГИЛАР

Ишнинг кўзини билган деҳқон сира панд емайди. У баракали хирмон кўтариш кўйида бор қучғайратини аямайди. У ношуд кишилар каби важ-корсон изламайди-да, ҳар бир қарич ердан ложи борича кўпроқ ҳосил олиш учун бор имкониятлардан уддабуронлик билан фойдаланади. У «кўрган-билганларим оз, энг илғор кишилардан қанча кўп ўргансам, ўзимга шунча яхши» деб изланади, янги ва қулай усулларни қидириб топади.

Ана шундай омилкор деҳқонлар ишлаётган пайкалларга бир боринг-а. Уларнинг меҳнати орқасида бунёдга келаётган ажиб меваларни кўриб, кўзингиз қувнайди, қайта-қайта тасаннолар ўқигингиз келади. Лекин афсуски, айрим жойларда бунинг мутлақо аксини ҳам учратиш мумкин. Ҳосилдорлик паст, ҳамма нарса ўлда-жўлда, хўжалик оқсоқ. Хўш, нега шундай? Чунки бундай ерларда ҳайбаракаллачи раҳбарлар, қўл учида иш юритувчи кишилар, «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» деган кайфиятга берилган одамлар ишлашади. Улар она-Ватан олдида, халқ олдида чуқур масъулият ҳис этишмайди.

Деҳқонларнинг чин дўсти Никита Сергеевич Хрушчев бундай деган эди: **«Энг яхши одамлар ўз йўлларини —юксак меҳнат унумдорлиги йўлини тўғри танлаб олишаяпти-ю, лекин биз уларнинг қимматли тажрибасини ёймаяпмиз».** Ҳақиқатан ҳам шундай. Областимиздаги кўпчилик ишлаб чиқариш бошқармаларида, кўпчилик хўжаликларда ўз ютуқлари билан донг таратаётган уста деҳқонларнинг иш тажрибаси ёмон ёйиляпти. Ана шунинг натижасида хўжаликлар, бригадалар ҳосилдорлик жиҳатидан бир-бирларидан осмон билан ерча фарқ қилмоқдалар.

Мана, биргина хўжаликни—Ўрта Чирчиқдаги Куйбишев номли колхозни олиб кўрайлик. Бу колхоз жуда яхши ерларга жойлашган. Суви, техникаси етарли, одамлари яхши. Хўш, нега бўлмаса оқсаб келяпти, дерсиз. Бунга энг асосий сабаб —илғор тажрибанинг ёйилмаётганида. Омилкор деҳқон Мурод Қулменовни областимизда ким танимайди дейсиз. У ана шу колхознинг бригада бошлиғи. Ўтган йили унинг бригадасида гектар бошига салкам 30 центнердан пахта олинди. Колхозда ундан ҳам ўзиб кетганлар бор. Валентин Ким бошлиқ бригадада ҳосилдорлик 34 центнердан оширилди. Суяги пахтачиликда қотган Мамадали ота Маниёзов бошлиқ звено ҳар гектар ердан 42 центнердан. Юсуф ота Тошметов бошлиқ звено эса 38 центнердан «оқ олтин» етиштирди. Қандай яхши кўрсаткичлар-а!

Лекин колхознинг ҳамма бригаларида ҳам, ҳамма звеноларида ҳам аҳвол ана шундай эмас-да. Шунинг учун ҳам бу колхоз ҳақида сўзлиб қолади. Ўтган йили ҳам шундай бўлди: давлат плани оро йўлда қолиб кетди. Хўжаликнинг илғор бригадалари бошқармадагина эмас, балки областда биринчилар қатори планни тўлдиришди. Бошқа бригадалар эса ярим йўлда қолиб кетишди. Биринчи бригадада гектар бошига атиги 14,8 центнердан, иккинчи бригадада 18,6 центнердан пахта олинди, ҳолос. 42 центнер, 38 центнер, 34 центнер қаёқда-ю, бу рақамлар қаёқда!

Колхоз раҳбарлари бошқармада, областда бўладиган йиғилишларда ўз илғорлари тўғрисида оғиз кўпиртириб гапиришади-ю, шу илғорларнинг тажрибасини қолоқ бригадаларга жорий қилиш тўғрисида дурустроқ бош қотириб кўришмайди. Колхознинг илғорлари бўлмиш Мурод Қулменов ва Валентин Ким ўртоқларнинг шаънига айтадиган икки оғиз гапимиз бор. Сизлар баракали пахта хирмони кўтараяпсизлар. Бунинг учун катта раҳмат. Хўш, қўшни бригадаларга нега ёрдам бермайсизлар? Ахир яхши қўшни ҳамсоясига ҳамиша ёрдам берадику! Сизлар ҳам шундай қилсангиз бўлмайдими? Бригадага кетаётганингизда, у ердан қайтаётганингизда қўшнининг аҳволидан ҳам хабар олиб ўтсангиз, оғайни, «ғўзанг сал чанқаброқ қолибди», «пайкалингни зудлик билан озиқлантирмасанг, панд еб қолишинг мумкин...» деб, ундан маслаҳатингизни аямасангиз қандай яхши бўларди-я!

Илғор тажрибани ёйиш—колхоз правлениесининг биринчи галдаги ишидир. Хўжаликнинг ўзида мавжуд бўлган илғор кишиларнинг ажойиб иш усулларини бошқа бригадаларда ҳам қўлланишга эътибор бермаслик, олдидан оққан сувнинг қадрига етмаслик билан баббаравар. Колхоз раиси ўртоқ Солих Иброҳимовдан «илғорларингнинг қандай қилиб шундай юксак кўрсаткичларга эришяптилар» деб сўраганимизда у шундай деди:

— Ҳа, илғорларимизни қўяверасиз. Уларни мақташ учун баъзан сўз ҳам тополмай қоласан киши. Ишнинг кўзини билишади-да азаматлар! Ҳар бир ишни об-тобида бажаришади, чигитни қайси куни, қайси соатда экишдан тортиб, ғўзани қайси куни суғориш, қайси куни озиқлантириш, пахтани қайси кундан бошлаб теришгача беш қўлдай яхши билишади.

Тўғри гап. Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин колхозда нима учун деҳқончиликнинг миридан-сиригача биладиган кишиларнинг тажрибаси ёйилмайди? Нима учун бир пайкалдан 42 центнердан пахта олинади-ю, унинг шундай ёнгинасидаги пайкалдан 14 центнердан пахта олинади? Ахир илғор бригадаларда бор бўлган ишчи кучи, техника воситалари қолоқ бригадаларда ҳам бор-ку. Қолоқ бригадаларнинг ери илғорларникидан сира фарқ қилмайди-ку. Илғорларда бор бўлган ўғит қолоқларда ҳам бор-ку. Шундай экан, ҳамма гап илғор тажрибани ёйишда қолган.

Бу йил колхозчилар ҳар гектар ердан пландаги 24 центнер ўрнига 27 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олишди. Буни табриклаш керак. Колхоз раҳбарлари ҳар йилгидек бу йил ҳам ер чизиб қолмасликлари учун асосий диққат-эътиборларини илғор тажрибани ёйишга қаратишлари керак. Қани, улар шу йўлда астойдил жон қуйдиришсин-чи, кузга бориб нима бўларкин? Турган гап: ғалаба бўлади!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Мажлисларда керилиб, раис дер: «Муродвой бор,
Номимизни кўкларга кўтаради бу илғор...»
Қолоқларчи? Қолоқлар — ўн беш центнерчилар?
Лекин раис бу ҳақда зинҳор индамас, зинҳор!

А. Ҳолиқов чизган расм.

ЭКИШ ТАРАДДУДИ

КАЛИНИН. Бошқармадаги Карл Маркс номли колхознинг сабзавотчилари баҳорги экиш кампаниясига пухта тараддуд кўрмоқдалар. Хўжалинда ҳозиргача 90 минг метр узунликдаги ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозалаб қўйилди. Механизаторлар эса тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари ремонтини аллақачон тугаллаб қўйган эдилар. Ҳозир трактор ва сеялналар далаларга олиб чиқиб қўйиляпти. Ерни ўғитга тўйдириш мақсадида 5,5 минг тоннадан кўпроқ ғўнг тайёрланди. Колхозчилар бу йил ҳар гектар ердан 14 тоннадан картошка, 25 тоннадан қовун-тарвуз, 15 тоннадан сабзавот ҳосили олишга ва эл дастурхонини тўйин қилишга муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғладилар.

ДАЛА ИЛҒОРЛАРИ

КЕЛЕС, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашаётган «Келес» совхозининг меҳнаткашлари кўкламги экиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Совхозда эртанги сабзавот жадал суръатлар билан экилаётир. Қисқа муддат ичида 3,5 гектар ерга эртанги карам кўчати экиб бўлинди. Беда уруғи сепиш ҳам уюшқоқлик билан тамомланди. Ишчилар ўн гектар ерга нўхат, 20 гектар ерга пиёз уруғи сепиб қўйишди.

Хўжаликда тутчиликни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бериляпти. Анча йиллардан бери қаровсиз ётган икки гектарлик карта ер оборотига қўшилди ва бунга икки ёшлик тут кўчатлари ўтқазилди.

Шу кунларда ишчилар лавлаги, картошка экиш ишларини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ. 21 МАРТ 1964 ЙИЛ.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

БУЮК КОМПОЗИТОР

Бугун атоқли рус композитори М. П. Мусоргский туғилганига 125 йил тўлди. Модест Петрович Мусоргский 1839 йилнинг 21 мартида Псков областининг Великоluки районидаги Карёво қишлоғида кичик маҳаллий дворян Петр Мусоргский оиласида дунёга келди. М. П. Мусоргский болалик йилларини ана шу Карёво қишлоғида ўтказди. Бу гўзал қишлоқ буюк композитор хотирасида абадий ўрнас из қолдирган. Бу ерда яшаган йилларида ёш Модест ўз энагасидан илк бор ажойиб рус эртакларини тингласан, қишлоқ ҳаёти, кишиларнинг оғир турмуш шароитлари унинг қалбида тўғён кўтариб музика санъатига ҳавас уйғотган. Кейинчалик етук бастакор бўлиб танилган М. П. Мусоргский ўзининг машҳур «Борис Годунов» операсидаги бир саҳнада ана шу қишлоқдаги энагаси билан хуш ўтказган дамларини эслайди.

Композитор қишлоқда туғилиб шу ерда ўсгани учун деҳқонлар, оддий кишилар ҳаёти унга яхши таниш эди. Шу сабабли ҳам у қишлоқ меҳнаткашларини — деҳқонларни, рус мужикларини ҳақиқий инсон деб биларди. Композитор ўзининг кўп музика асарларида, айниқса опера ва романсларида жонажон қишлоқ манзарасини, оддий деҳқонлар турмушини, уларнинг руҳий кечинмаларини тараннум этишининг боиси ҳам шундадир.

ПСКОВДАН ХАТ

Бастакор «Калистрат», «Етимча», «Савишка», «Семинарист», «Базм», «Шум», «Ерёмушка аргимчоғи», «Трепак» каби ажойиб романсларида рус кишиларининг ҳаёти, халқ орзу-умиди, алам-қайғуси, гўзаллик ва назокатни зўр кўтаринкилик билан нозик музика тилида куйлади.

Модест Петрович Мусоргский жаҳон музика маданиятига ўзининг машҳур «Борис Годунов», «Хованшина», «Сорочин ярмаркаси» каби опералари билан муносиб ҳисса қўшган композиторидир. XIX аср атоқли танқидчиси ва санъатшуноси В. В. Стасов «Борис Годунов» операси ҳақида фикр юритар экан, уни рус музика хазинасининг энг юксак ва энг гўзал дурдоналаридан бири деб баҳолади.

М. П. Мусоргский она ер куйчиси, оддий кишилар ҳомийси ва ҳақиқий инсон эди. У ўзининг жуда кўп музика асарларини — романс ва куйларини, қўшиқ ва рақсларини жонажон диёрига бағишлади. Шунинг учун бугун прогрессив инсоният билан бир қаторда Псков шаҳар аҳолиси ҳам ўз ҳамюртлари — улуғ композиторнинг азиз номини зўр ифтихор билан тилга оладилар.

М. П. Мусоргскийнинг туғилганига 125 йил тўлиши муносабати билан шу кунларда ўтказилаётган юбилей тантанаси айниқса Псковда зўр байрам тусини олмоқда. Яқинда бастакорнинг туғилиб ўсган шаҳрида унинг номини абадийлаштириш мақсадида ўрнатиладиган ҳайкалнинг пойдевори қурилди. Мармар плитага: «Бу ерда композитор Модест Петрович Мусоргскийга ҳайкал ўрнатилади. 1839—1881 й. деб ўйиб ёзиб қўйилган.

Моҳир бастакор ва улуғ инсон М. П. Мусоргский ўзининг ёрқин ижоди билан фақат ҳамюртлари қалбидан эмас, балки улғор ғоялари бутун прогрессив инсоният юрагидан ҳам абадий ўрин олган.

Е. АЛЕКСАНДРОВ.



Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Уйлаб топ** (болалар учун), 17.35 — **Атлантика тропикларида** (ҳужжатли фильм), 17.55 — **Телевизион янгиликлар**, 18.10 — **Компленс механизация учун**, 18.30 — **Фан ва техника** (киножурнал), 18.40 — **Концерт** («Звезда Востока» клуби эстрада оркестри ижросида), 19.10 — **Реклама ва эълонлар**, 19.20 — **Мусоргский** (бадиий фильм, композитор туғилган кунининг 125 йиллиги муносабати билан).

21.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар**, 21.30 — **Венгрия** («Социализм мамлакатлари бўйлаб» циклидан), 21.50 — **Қишлоқ хўжалик фильмлари фестивали**, 22.10 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан. **Ўзбек кинофильмлари музикаси.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Кармен**, 22/III да кундуз **Демон**, кечқурун **Масхарабозлар** ва **концерт бўлими.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — Москва гастроллари олдидан — 21/III да **Гамлет**, 22/III да кундуз ва кечқурун **Биринчи муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Катта концерт**, 22/III да **Икки билагузук.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Лилипутлар» музикали аттракционининг сўнгги кунлари.** Кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади.

КИНО

Бўрилар орасидаги ялангоч — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Етти азамат (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Елена» кўрфази — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Майсазорда юриш мумкин — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Кодин — «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача).

Биринчи учрашув — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

ЦЕНТРОСОЮЗНИНГ В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

сиртқи бўлимнинг: саноат товаршунослиги, озиқ-овқат товаршунослиги, савдо экономикаси, бухгалтерия учёти, умумий овқатланиш технологияси ва ташкил қилиш ихтисосларига (1-курсга)

1964/65 ўқув йили учун

студентлар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 5 йил, технология ихтисосларига 6 йил.

Товаршунослик ва технология ихтисосларига кирувчилар ўрта мактаб программаси ҳажмида: она тили ва адабиётидан (ёзма), химия, физика ва математикадан (оғзаки), бухгалтерия ва экономика ихтисосларига кирувчилар: она тили ва адабиётидан (ёзма), математикадан (ёзма ва оғзаки), географиядан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Ариза билан ҳужжатлар (олий ўқув юртларига қабул қоидаларига мувофиқ) ҳозирдан 15 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 10 майдан 5 июнгача ва 20 июлдан 10 августгача ўтказилади.

Филиалнинг адреси: Тошкент шаҳар 56, Циолковский кўчаси, 325-уй, телефон 6-16-75.

1964 йил 1 апрель кундуз соат 2 да. Тошкент давлат медицина институтининг илмий совети мажлисида (акт зали)

Ц. М. Осовецкая — медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Руҳий касалларнинг юрак-томир ва нафас олиш системасига дифференциал меҳнат билан даволашнинг таъсири» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

«ГЛАВУПРПИЩЕПРОМ»НИНГ МАХСУС БАЗАСИГА

силад мудирлари

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 93-уй (5-автобуснинг «Шумилов номли парк» остановкаси).

«УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИГА

бухгалтерлар ва старший бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 1-уй.

О Н А

Она, Сизин тополсам, кошки,
Қўлларингиз ўполсам, кошки.
Бир парча эт эдим. Узингиз —
Оқ сут бериб катта қилдингиз.
Узоқ тунлар юммай кўзингиз
Алла айтиб, бирга бўлдингиз.
Мен йиғласам Сизнинг
қалбингиз
Йиғлар эди, тилнар эди.
Мен кулганда Сизнинг
қалбингиз
Кулганлиги билинар эди.
Кафтларимга тикон кирган вақт
Кипригингиз бўларди игна.
Она қалби — меҳр-муҳаббат,
Шафқат тўла сахий хазина.
Она бағри — худди қуёшдир,
Фаразанд эмар сутга қўшиб нур.
Она меҳри — абадий ёшдир,
Она — тонгдир, баҳор ва сурур.
Осмон янглиғ қалбингиздир
кенг,
Осмон нима, жаҳон билан тенг.
Камтар, мушфиқ беозор она,
Сизни қайдан топаман яна...
Сизни мангу ёдлаб қолганман,
Ухламаг деб додлаб қолганман.
Меҳр тондим шу она Ердан,
Бахтим тондим пешона тердан.
Сиз бахш этган қанот билан
мен,
Ета олдим, осмон шиптига.
Сахроларни қилолдим чаман,
Тоғни олдим дангал кифтимга.
Ота бўлдим, гулдек қизларни
Туғиб берди, раҳмат ёримга.
Сиз юрган йўл, босган изларни
Кўрсатаман мен ниғоримга.
Шунда бирдан юракдан сизиб
Кўзда пайдо бўлар ҳалқа ёш.
Водиларни айланиб, кезиб,
Қидираман Сизни, эй Қуёш!
Она, Сизни тополсам қани,
Қўлларингиз ўполсам қани!

Ҳамид НУРИЙ.

КИМЁГА ЙЎЛЛАР РАВОН

Хислати кўп, улкан кимё,
Мисоли тўрт мучамиз.
Юксалмакка қанотимиз,
Онг қўкида учамиз.
Бўронларга бўй бермаймиз,
Биз илгари борпшда,
Улкан кимё, зўр, паҳлавон
Ҳамкоримиз ҳар ишда.
Қозонимиз ўти ўчмас,
Газимиз бор ёққанда.
Кимё кўркин кўз-кўз этар
Чаманларга боққанда...
Ҳа, қудратли, мўъжизакор
Кимёмизда гап катта.
Нафис мато тўқиймиз
Биз тутундан албатта.
Булутларга хитоб қилсак,
Ҳаёт сувин сочади.
Кимё илмин севган борки,
Бахт унга юз очади.
Бугдай эксак у туфайли,
Олтин бошоқ ўрамиз.
Шу кимёдан биз муборак
Эртамизни кўрамиз...
Турмушимиз яна яшнаб,
Ҳаёт бўлар фаровон.
Бир овоздан деймиз бугун;
Кимёга йўллар равон!

Толиб ИУЛДОШ.

СПОРТ

БАСКЕТБОЛЧИЛАР ТУРНИРИ

Пойтахтимиздаги Армия спорт клуби залида баскетбол бўйича мамлакат биринчилиги учун «А» класс командаларининг учрашувлари ўтказилмоқда. Тошкент турнирида қатнашаётган Москва, Ленинград, Тбилиси, Боку, Свердловск, Одесса, Кишинев, Вильнюс, Олмаота, Фрунзе, Душанба командалари 13—24 ўринлар учун мусобақалашмоқдалар.

Тошкентлик баскетболчилар чемпионатнинг биринчи куни Вильнюс шаҳрининг «Пластикас» командаси билан учрашдилар. Меҳмонларимиз баланд бўйли, тактик жиҳатдан кучли бўлишларига қарамай учрашувда ташаббус тошкентликлар қўлида бўлди. Армия спорт клуби командаси 59:53 ҳисобида ғалаба қозонди. Командамиз иккинчи куни Одесса шаҳрининг «Буревестник» командасига 49:63 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Мусобақалар 23 мартгача давом этади.

Ш. АКБАРОВ.

Самбочиларимиз муваффақияти

Москвада ўтказилган «Буревестник» жамияти марказий Советининг шахсий команда биринчилиги тугади. Унда мамлакатимизнинг 48 олий ўқув юртидан 400 дан ортиқ кучли самбочи иштирок этди.

Ўзбекистон командаси умумий 6-ўринга чиқди. ТошДУ командаси эса 9-ўринни олди. Шахсий ҳисобда политехника институти аспиранти Суръат Алимов иккинчи, ТошДУ аспиранти Жўрақул Турсунов тўртинчи ўринларни эгалладилар.

А. ТОШКЕНБОЕВ.

ПИОНЕРЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ИШИ

Бўйниларига қизил галстук тақиб олган пионер ва ўқувчиларнинг темир-терсан йиғиб, мактаб томон бораётганини тез-тез учратиб турасиз. Ҳа, мана шу бекор ётган, ташлаб юборилган темир-терсанлардан пахта териш машиналари, тракторлар, қудратли станоилар ишлаб чиқарилади. Бу машиналар ишчи ва колхозчиларга ёрдамга келади, уларнинг оғирини енгил қилади.

Ўтган йили «Уззаготворсирьё»нинг макулатура йиғиш юзасидан эълон қилган конкурсида Киров районидаги 43-мактаб ўқувчилари ҳам қатнашган эдилар. Бу мактаб ўқувчиларининг ҳар бири ўртача 20 килограммдан макулатура тўплаб, 200 сўмлик мукофотни олишга сазовор бўлдилар. Шу райондаги 44-ва Октябрь районидаги 137-мактаб коллективлари ҳам 150 сўмлиндан мукофот олишга сазовор бўлишди. Ўқувчилар бу пулларни пионер хоналарини янада чиройли қилиш, кутубхоналарини қизиқарли адабиётлар билан бойитиш ва спорт товарлари сотиб олишга сарфлайдилар.

Х. НАЖМИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 40 ИИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИНИНГ МУДИРИ ЎРТОҚ Ҳ. ЖАЛИЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

Революциядан илгари Россиянинг қолоқ, чекка ўлкаларидан бири ҳисобланган Туркистонда соғлиқни сақлаш ишлари аянчли аҳволда эди. Каттагина территорияни эгаллаган бу ўлкада атиги бир неча даволаш муассасаси бўлган. Туркистоннинг йирик шаҳри ҳисобланган Тошкентда атиги 12 та соғлиқни сақлаш муассасаси бўлиб, у 278 беморга мўлжалланган эди. Шундай катта шаҳарда атиги 40 та врач, 120 га яқин ҳамшира хизмат қилган. Маҳаллий халқ орасидан битта ҳам маълумотли врач етишиб чиқмаган эди.

Революциядан илгари Туркистонда турли хил эпидемик касалликлар кўп тарқалган, болалар ўртасида ўлим кўп бўлган. Безгак, ришта, чиллашир, вабо, чечак каби касалликларнинг тарқалишидан ҳар йили минглаб киши қирилиб кетар эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин аҳвол тамомила ўзгарди. Экономика, фан ва маданиятимиз қанчалик ривожланган бўлса, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишлари яна ҳам беқиёс ўсди. Кўплаб даволаш муассасалари, касалхоналар, амбулаториялар қурилди.

Ҳозир фақат пойтахтимизнинг ўзида беш ярим мингга яқин врач ҳамда ўн мингга яқин медицина ҳамшираси ишлаб турибди. Шаҳримизда 38 та поликлиника ва амбулатория, 35 та шифохона ҳамда 8 та туғруқхона беморларга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари пойтахтимиз корхоналарида 75 та даволаш пункти бор. Тошкент атрофидаги 6 та санаторийда эса ҳар йили юзлаб кишилар даволанади.

Кейинги ўн йил ичида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишлари айниқса яхшиланди. Соғлиқни сақлаш ишларига сарфланаётган маблағ уч баравар ошди. Бундан ўн йил аввал пойтахтимизда 7 минг 950 ўринли касалхона бўлган бўлса, эндиликда уларнинг сони ўникки ярим мингдан ортиб кетди. Шу давр ичида эса врачлар ва ҳамширалар сони бир неча минг кишига ошди. Маҳаллий кадрлар орасидан кўплаб олий ва ўрта маълумотли врач ва медицина ходимлари етишиб чиқди. Эндиликда республикамизда революциядан аввал неча минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган юқими касалликлар батамом тугатилди.

Ўзбекистон пойтахтида аҳолига медицина хизмати кўрсатувчи муассасалар тобора ортиб бормоқда. Бу йил жами 1240 ўринли бирнеча касалхона ишга туширилди. Октябрь районида 840 ўринли даволаш касалхонаси, Олмазор кўчасида 200 ўринли ортопедия ва травмотология касалхонаси иш бошлайди. Шунингдек пойтахтимизнинг Новомосковская, Шофайзиқулоқ, Шота Руставели кўчаларида, Болгарский огороди массивида янги поликлиникалар қурилади.

Пойтахтимиз медицина ходимлари ҳам эл қатори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилаётирлар. Кишилар саломатлигининг чинакам содиқ посбони бўлиш ҳар бир врач, ҳар бир медицина ходимининг асл мақсадидир. Бу ўринда Октябрь районидаги 7-болалар касалхонаси ходимларининг қилаётган ишлари диққатга сазовордир. Улар ўз участкаларидаги касалларни намунали даволаш билан бир қаторда медицина бўйича халқ университети ташкил этдилар. Университетда турли касалликларнинг олдини олиш, уларни даволаш каби темаларда бир неча қизиқарли суҳбат ва лекциялар ўқилди.

Шунингдек пойтахтимизнинг бошқа даволаш муассасаларида ҳам шонли юбилейга атаб циклли лекциялар ўқилмоқда, медицинанинг турли соҳаларига оид суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу ишга медицина фанлари докторлари ва кандидатлари, энг яхши мутахассис врачлар жалб этилган. Улар республикамизда медицина фани эришган муваффақиятлар, энг яхши даволаш муассасаларида олиб борилаётган ишлар, совет медицинаси фанининг ютуқлари ва бошқа темаларда корхона, муассаса ва маҳаллаларда лекциялар ўқийдилар.

Олижаноб касб эгалари бўлган медицина ходимлари коммунизм қурувчиларининг доимо соғ-саломат бўлишлари учун қурашмоқдалар.

БИЛАСИЗМИ?

✦ Ҳозирги вақтда химия воситаси билан нефтдан 20000 дан ортиқ ҳар хил органик маҳсулотлар олинади.

✦ 1963 йил май ойида совет астрономи Зайцева томонидан кашф этилган энг янги юлдуз ёруғлиги Ергача 30 миллион йилда етиб келган. Энг янги юлдуз тахминан 250 миллион Қуёшга тенг келадиган даражада нур сочади. Энг янги юлдузнинг бир суткада таратган иссиқлиги ва нур миқдори Қуёшнинг миллион йил давомида таратган иссиқлиги ва нурига баравар келади.

✦ Антарктиданинг жуда кўп сув (муз) запаси бўлса ҳам, бу қитъа энг қуруқ иқлимли жой ҳисобланади. Ернинг ҳеч бир жонига Антарктидадагидек кам атмосфера ёғини тушмайди.

ҚИСҚА САТРЛАР

● «Узбексельмаш» заводининг спорт тарихида биринчи марта чанғи мусобақалари бўлиб ўтди. Чимёнда ўтказилган бу мусобақада 30 дан ортиқ ҳаваскор чанғичи қатнашди.

Ж. Пирмуҳамедов.

● Тошкентдаги 30-шаҳар профессионал-техника билим юрти ўқувчилари учун эстетика кабинети ташкил қилинди.

Б. Ҳасанов.

● Калинин ишлаб чиқариш бош. қармасининг Навоий номли колхоз билан Тошкентдаги табиёт музейи оралигида янги 63-маршрутли автобус қатнай бошлади.

У. КАРИМОВ.

● Яқинда пойтахтимизнинг Ленин районидаги Куйбишев кўчасида янги 94-алоқа бўлими очилди.

И. РУСТАМОВ.

● Тошкент трамвай-троллейбус трестида тўрт ойлик троллейбус ҳайдовчилар курси очилди. Курсда 75 дан ортиқ киши ўқимоқда.

Ю. БАҲОДИРОВ, А. ТАРАТУЛОВ.

● Пойтахтимизнинг Чилонзор массивида 140 ўринли яна бир болалар комбинати ишга туширилди. Бу ерда кичкинтойлар ўйнаб қувнасин учун ҳамма шароит яратилган.

Ҳ. ТУРСУНОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

„СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗГА ТАМОМИЛА ҚЎШИЛАМАН"

МОСКВА, 19 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг 1963 йил 31 декабрда жаҳондаги мамлакатлар давлат (ҳукумат) бошлиқларига юборган мактуби муносабати билан Бельгия бош министри Тес Лефеврнинг жавобида бундай дейилади: «Мен Сизнинг халқаро кескинликни юмшатиш воситаларини қидириб топиш йўлидаги ишларни давом эттириш зарурлиги тўғрисидаги фикрингизга тамомила қўшиламан».

«Территориал проблемалар, — деб таъкидланади жавобда, — давлатлар ўртасида кўп низолар чиқишига сабаб бўлиб келганлиги шубҳасиздир». Белгия бош министрининг фикрича, низоли масалаларни ҳал этиш учун куч ишлатишдан воз кечиш тўғрисидаги битим давлатлар ўртасида рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай низоларга ҳам тааллуқли бўлиши ва бундай низоларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ, тинч воситалар билан ҳал этишдан ташқари бошқа йўллар билан бартараф қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни тақиқлаши лозим.

Бельгия бош министри жавобининг охирида давлатлар ва давлат группалари ўртасида зўр ишонч вазиятини вужудга келтириш зарур эканлигини таъкидлайди ва «самарали контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришиш мақсадида қилинадиган ишларни сабот ва матонат билан давом эттирган тақдирдагина, шу мақсадга эришиш мумкин» деб уқтириб ўтади.

Де Голль билан Матеос ўртасида музокаралар

МЕХИКО, 19 март. (ТАСС). Бу ерда Франция президенти Ш. де Голль билан Мексика президенти Лопес Матеос ўртасидаги музокаралар тамом бўлди.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин эълон қилинган ахборотда бундай дейилади:

Ҳар иккала президент Франция билан Мексика ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур деб ҳисоблаб, ҳар иккала мамлакат ўртасида техника ҳамкорлиги ва савдо-сотиқ тўғрисидаги битимлар имзоланиши лозим, деб келишдилар. Улар Мексика капитали билан ҳамкорлик қилган ҳолда француз капиталининг Мексикага чиқарилишини рағбатлантириш зарур эканлиги тўғрисида ҳам бир фикрга келдилар.

Ахборотда айтилишича, де Голль Латин Америкаси мамлакатларининг тараққиётида Франция тегишли ролни ўйнай олади, деб таъкидлаган.

СЕКУ ТУРЕ ЖАЗОИРГА КЕЛДИ

ЖАЗОИР, 19 март. (ТАСС). Гвинея Республикасининг президенти Секу Туре бугун расмий визит билан Жазоирга келди. Аэродромда Гвинея президентини президент Бен Белла, Миллий озодлик фронти Сиёсий бюросининг аъзолари, министрлар ва бошқа расмий шахслар кутиб олдилар.

ОҚ УЙНИНГ МАТБУОТ МАСЛАЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СЕКРЕТАРИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ВАШИНГТОН, 19 март. (ТАСС). Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Пьер Сэлинжер бугун истеъфо берди. Президент Жонсон унинг истеъфосини қабул қилди. Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи янги секретари қилиб Жорж Риди тайинланди.

Сэлинжер, менинг истеъфо беришимга шахсий мулоҳазаларим сабаб бўлди, деди. Сэлинжер Калифорния штатидан сенатор бўлиб сайланишга эришмоқчи, деган фикр Вашингтонда кенг тарқалган.

ЯНГИ ИУЛДОШ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). Бугун Кеннеди бурунидан (Флорида штати) «Эксплорер —20» деган сунъий йўлдош учирилди, деб хабар берди. АП агентлиги.

Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқарма вакили сунъий йўлдош учиришдан мақсад —ионосферани глобал ўрганишдир» деди.

Йўлдошнинг орбитага чиққанлиги ҳақида ҳозирча хабар берилаётгани йўқ.

Камбоджа чегараси бузиб ўтилди

ПНОМ-ПЕНЬ, 19 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг бир неча харбий самолёти бугун Жанубий Вьетнам билан чегарадош Кхмер қишлоғини ваҳшийларча бомбардимон қилди ва пулемётлардан ўққа тутди. Маҳаллий аҳоли ўртасида ўлган ва ярадорлар бор.

Шу куни, дейилади ҳукумат ахборотида, Жанубий Вьетнам армияси моторлаштирилган пиёдалар бўлинмаси Камбоджа чегарасини бузиб ўтди ва тўрт километр ичкарига кириб борди.

Шу нарса диққатга сазоворки, чегара масалалари юзасидан музокаралар олиб бориш учун Жанубий Вьетнам делегацияси Пном-Пенга келишидан бир кун олдин шу воқеалар рўй берди. Шу муносабат билан бу ерда делегациянинг «Камбоджа билан муносабатларни нормаллаштиришни истаётганлиги»га Кхмер томонини ишонтириши қийин бўлса керак, деб таъкидламоқдалар.

Икки ўртада яна отишма бўлди

ЛОНДОН, 19 март. (ТАСС). Никозиядан қирқ миля масофада жойлашган кичкина Газиверан қишлоғи Кипрдаги бир-бирига душман икки жамоа вакиллари ўртасида бугун эрталабдан бошлаб янги жанг майдонига айланди. Англия қуролли кучлари вакилининг айтишича, деб хабар беради Рейтер агентлиги, шу қишлоқда яшовчи кипрлик турклар билан кўшни қишлоқлардаги кипрлик греклар ўртасида отишма бошланган. Ана шу вакилнинг сўзларига қараганда бу районда аҳволнинг кескинлашувига кипрлик турклар сабаб бўлган. Турклар Газиверанга олиб келадиган йўлни тўсиб қўйганлар.

Гитлернинг ёрдамчиси тирик

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги хабар беради: Гитлерчи ҳарбий жиноятчининг укаси ва бугун Бразилиянинг Сан-Паулу штатида ўзини полиция қўлига топширган Ричард Борман «Марғин Борман тирик ва ҳозирги вақтда Бразилиядаги Мато-Грасо штатида қаердадир яшайди», деб айтди.

Гитлернинг нацистлар партиясига раҳбарлик қилиш билан шуғулланувчи собиқ ўринбосари Мартин Борман Берлин таслим бўлмасдан олдин 1945 йил май ойида Германия пойтахтида ўлдирилган, деб кейинги вақтларгача айтилиб келган эди.

Жиноятчининг укаси Ричард Борман гитлерчининг бу ўринбосарини охирги марта Берлинда бўлган вақтида кўрган эдим, деб айтди, аммо унинг қаердалиги ҳақида полицияга бошқа бирор маълумот беришдан бош тортди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ҚИСҚА ХАБАРЛАР

✦ «Исикавадзима харима» кемасозлик компаниясининг Аиои шаҳридаги (Япония) кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг закази бўйича қурилган «Ленинград» танкери сувга туширилди. 35 минг тонна ҳажмли бу янги кема шимолий кенгликларда сузиш учун мўлжалланган.

✦ Америка давлатлари ташкилотининг махсус яраштирувчи комиссиясининг раиси Хуан Плате комиссия Панама канали сабабли рўй берган Америка-Панама конфликтида томонларни яраштиришга уринишдан бош тортганлигини эълон қилди. Комиссия бир қанча мажлислар ўтказилганидан кейин, ўзининг конфликтда воситачилик қилишга уринишлари барбод бўлганлигини эълон қилди.

✦ Аргентинадаги Санта-Фе вилоятининг губернатори Альдо Тессио фашистларнинг яҳудиларга қарши «Такуара» ташкилотига қарши судлов ишини бошлаш тўғрисида вилоят прокурорига кўрсатма берди. Кейинги вақтларда бу ташкилотнинг аъзолари вилоятдаги энг йирик шаҳарлардан бири Росарио шаҳрида бир қанча сиёсий арбобларни ўлдирганлар.

✦ Лондон аҳолисидан неча юзлаб киши сайлов олди кампанияси вақтида радио ва телевидение орқали нутқ сўзлаш имкониятидан коммунистларни махрум қилиб қўйишга қарши норозилик билдириб, Би-би-си ва «Индепендент телевижн» телевизион компанияси биноси олдида намойиш уюштирди.

✦ Англия бош министри Дуглас — Хьюм Лагосга келди. У, Нигерия бош министри Балева ва ташқи ишлар министри Бачуку билан музокаралар олиб боради.

✦ Қора танли аҳолининг тараққиётига ёрдам берувчи миллий уюшма Кливленд шаҳрида (АҚШ, Огайо штати) «Плейн дилер» газета биноси теварагига пинетлар қўйди. Уюшма негр аҳолисининг ҳуқуқи учун курашаётган ана шу ташкилотга газетанинг ҳуруж қилаётганлигига қарши норозилик билдириб, ана шу пикетларни қўйди.

✦ Ғарбий Германия социал-демократик партияси раисининг ўринбосари Эрлер АҚШга келди. У АҚШда давлат секретарининг ўринбосари Болл, денгиз министри Нитце ва бошқа расмий шахслар билан учрашиб, улар билан НАТО нўп томонлама ядро қуролларини вужудга келтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

✦ Англия граждан авиацияси министри Эмери умум палатасида нутқ сўзлаб, ҳукумат армия эҳтиёжлари учун Американинг 150 та енгил вертолётини сотиб олиш ниятида эканлигини айтган. (ТАСС).

ТРИЕСТДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

ПАРИЖ, 19 март. (ТАСС). Кеча Триест шаҳрининг аҳолиси ер қимирлаганлигидан ташвишга тушиб қолди.

Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, баъзи уйларнинг деворлари ёрилган. Маҳаллий станциядаги сейсмографлар ишдан чиқиб қолган.

Зилзила 20 секунд давом этган. Хабарда айтилишича, кейинги 40 йил мобайнида Триестда бундай кучли зилзила бўлмаган.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Бу ерда мамлакатнинг энг йирик қурилиш объектларидан бири ҳисобланган Дунай цемент-оҳак комбинатини қуриш муддатидан бир йил илгари тугалланди. Бу корхона йилига бир миллион тонна цемент ишлаб чиқаради. Германия Демократик Республикаси, Польша ва Чехословакия комбинатни лойиҳалаш ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда катта ҳисса қўшдилар. Суратда: корхонанинг умумий кўриниши.

МТИ-ТАСС фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05315. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1716.